БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-йил чиқиши
№ 123. (2156).
23 июнь
Шанба
1962 йил
Баҳоси 2 тийин

ДЎСТЛИГИМИЗ БУЗИЛМАСДИР

МЕТАЛЛУРГЛАР ШАҲРИДА

ХУНЕДОАРА, 21 июнь. (ТАСС). Бугун бу ерда оммавий митинг бўлиб ўтганлиги ва бу митингда Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси И. Г. Маурер нутқ сўзлаганлиги илгари хабар берилган эди.

Советлар элидан келган азиз дўстлар, деди у, сизлар борган ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам сизларни зўр шодлик билан кутиб олаётганликлари бутун халкимизнинг Совет Иттифоқи халқига ва унинг синалган раҳбари — Коммунистик партияга дўстлик ва ҳурматдан иборат оташин туйғуларининг ифодасидир.

Сизлар бугун танишган Хунедоара заводи ҳам, Хунедоара шаҳри ҳам, деб давом этди ўртоқ Маурер, — халқ ҳокимияти йилларида Руминия қиёфасини таниб бўлмайдиган килиб қўйган буюк янгиловчи ўзгаришларнинг жонли тимсолидир.

Бутун халқ хўжалигимизда рўй берган ўзгаришлар партиямизнинг мамлакатни социалистик индустриалаштиришдан иборат, оғир саноатни устун даражада ривожлантиришдан иборат ленинча сиёсатни изчиллик билан амалга оширишга асосланади. Худди ана шу сиёсат асосида бутун халқ хўжалигининг гармоник ва пропарционал ривожланиши, унинг муттасил ўсиб бориши таъминланди.

Ҳамма учун аҳамиятли бўлган КПССнинг жуда бой тажрибасидан Руминия Ишчи партиясининг мамлакатимиз шароитига мос тарзда ижодий фойдаланиши халкимизнинг марксча-ленинча таълимот билан ёритилган йўлдан олга боришини анча енгиллаштирди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси қабул килган коммунизм қурилишининг улуғвор программасида халқимиз ўз порлоқ эртаги кунининг, ўз иститқболининг манзарасини кўриб турибди.

Совет Иттифоқчнинг ажойиб ғалабалари ва бошқа барча социалистик давлатларнинг муваффақиятлари туфайли, деди сўнгра Руминия ҳукуматининг бошлиги, социализм бутун дунёдаги неча ўн миллионлаб кишилар учун тобора кўпроқ жозиба кучига айланмокда. Социализмнинг жаҳонга таъсирининг ўсаётганлигига сабаб шуки, у давлатлар ўртасида янги типдаги муносабатларга асос солди. Иқтисодий ўзаро ёрдам кенгашининг қатнашчилари бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг якинда бўлиб ўтган кенгаши социалистик мамлакатларнинг мислсиз ижодий муваффакиятларинигина эмас, шу билан бирга меҳнатнинг халкаро социалистик таксимотини муттасил такомиллаштириш сохасида эришилган катта тараққиётни ҳам яққол кўрсатди ҳамда ана шу мамлакатлар ўртасидаги мустакилликни ҳурмат килиш ва суверенитетга, тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ёрдам манфаатдорлигига асосланган ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Социалистик мамлакатлар ўз конструктив мақсадларига эришмоқ учун тинчликка муҳтождирлар. Шу сабабли, Совет Иттифоқи бизнинг мамлакатимиз ва бошка социалистик давлатлар халқларнинг иродасини ифодалаб, халқаро майдонда бутун дунёда тинчликни ҳимоя килиш йўлида ҳормай-толмай кураш олиб бормоқдалар.

Жамият ҳаётидан урушларни йўқотиш ва мустаҳкам тинчликни таъминлашнинг энг қисқа ва энг ишончли йўли — Совет Иттифоқи таклиф қилган ёппасига ва батамом қуролсизланишдир. Биз аминмизки, бутун дунёдаги тинчлик кучларининг бирлашган кучғайрати билан халқаро муносабатларда ақл-идрок тантана қилишини таъминлаш мумкин. Келажак тинчлик ва социализм ишига янги ва буюк ғалабалар бағишлайди.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Н. С. Хрушчев митинг қатнашчиларига мурожаат қилиб, металлургглар шаҳрининг аҳолисига Совет Иттифоқи меҳнаткашлари номидан оташин, қардошларча салом топширди ва уларга совет делегациясини қизғин кутиб олганликлари учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Агар пўлат эритувчи, деди Н. С. Хрушчев, эритилган металл оқимларида янги станоклар ва машиналарни хаёлан кўриб турса, бу машиналар инсон меҳнатини янада енгиллаштиришдан, кишилар ҳаётини янада бахтиёр килишидан қувонса, бизларнинг ҳаммамиз дўстлигимизнинг мустаҳкам ипларини келажакда ер курраси-нинг ҳамма халқлари ўртасида абадий ўрнатиладиган ажойиб муносабатларнинг тимсоли деб биламиз.

Бизга айтишларича, сизнинг областингиз Руминия халқ хўжалигида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, деб давом этди Н. С. Хрушчев. Бу областда ер остида кўмир ва темир руданинг жуда бой запаслари бор, тоғлар иморатбоп дарахтлар билан қопланган. Унумдор водийлар мамлакатга яхши ҳосил етиштириб бермоқда. Лекин менинг фикримча, энг катта бойлик — эркин ва бахтиёр кишилар, ўз еридаги ҳамма бойликларнинг эгаси бўлган, ҳормасдан меҳнаткаш ва моддий бойликларнинг ижодкорлари бўлган сизлардир, азиз ўртоқлар.

Сўнгра Н. С. Хрушчев Руминияда қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни тугатишнинг аҳамиятини таъкидлаб кўрсатди. Бу ғалаба нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини, деди Н. С. Хрушчев, биз ўз тажрибамиздан яхши биламиз ва бу ғалабадан сизлар билан биргаликда астойдил қувонамиз.

Н. С. Хрушчев совет халқи партия XXII съездининг тарихий қарорларини бажариш учун фидокорона меҳнат килаётганлигини таъкидлаб, бундай деди: Биз порлоқ ва қувончли истиқбол олдида турибмиз. Биз бу истиқболга ишонамиз ва ўз меҳнатимиз билан бу истиқболнинг келишини кун сайин яқинлаштирмоқдамиз. Биз моддий ва маънавий неъматлар мўл-кўл бўладиган жамият — коммунизм қуришга киришдик. Яқин ўн йил ичидаёқ бизнинг мамлакатимиз саноат ишлаб чиқаришнинг даражаси бўйича капиталистик дунёдаги энг ривожланган давлат — Америка Қўшма Штатларига етиб олади ва ундан ўзиб кетади. Йигирма йилдан кейин бизнинг металлургиямиз йилига тахминан 250 миллион тонна пўлат эритиш имконини берадиган даражага етади, бу даража эса АҚШда пўлат ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасидан анча ўзиб кетади.

Бизнинг партиямиз ҳозир Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги яқин йиллар ичидаёқ аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўла қондирмоғи учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Биз уй-жой қурилишини мислсиз миқёсларда авж олдириб юбордик. Фақат беш йил ичида мамлакатимиз аҳолисининг тўртдан бир қисми обод квартиралар олди.

Лекин коммунизм сари ҳаракат кийинчиликларни бартараф қилмасдан, ўнқир-чўнқир тўсиқларни бартараф қилмасдан рўй беради деб ўйлаш нотўғри бўлади. Коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини амалга ошириш кишилардан катта куч-ғайрат сарфлашни, дуч келган қийинчиликларни енгишда қатъият кўрсатишни талаб килади.

Коммунистик партияларнинг, деди Н. С. Хрушчев ўз нутқининг охирида, халқлар ҳаётий манфаатлари тўғрисида, уларнинг бахтсаодати ва хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам муқаддасроқ мақсадлари йўқ ва биз, коммунистлар бунга эришмоқ учун кучимизни ҳеч қачон аямаганмиз ва аямаймиз.

РУМИНИЯ ШАХТЁРЛАРИ ҲУЗУРИДА

ЛУПЕНЬ, (Хунедоара области), 21 июнь. ТАСС махсус мухбирлари **Д. Бочаров** ва **К. Кравченко** хабар берадилар: Н. С. Хрушчев бошлиқ совет партия-ҳукумат делегацияси тушдан кейин Руминия Халқ Республикасининг энг йирик кўмир ҳавзаси — Валя Жиулуйга борди. Бу ҳавза мамлакатда қазиб чиқариладиган бутун кўмирнинг тахминан ярмини беради. Бу ерда 6 та шахта бўлиб, улардан энг йириги — «Лупень» шахтасида 5675 шахтёр ишлайди.

Хунедоарадан Лупень шаҳрига боргунча ҳамма станцияларда шаҳарлар, қишлоқлар ва шахтёрлар посёлкаларининг аҳолиси совет халқи вакилларини шодлик билан кутиб олдилар.

Шахтёрлар шаҳри Лупень вокзалида совет меҳмонлари айниқса қизғин кутиб олинди. Вокзалдан шахтага боргунча йўлнинг ҳар икки томонида одамлар саф-саф бўлиб турдилар. Байрамлардагидек кийинган мингларча кишилар азиз меҳмонларни самимий табриклайдилар, байроқчалар ва гулдасталарни силкитиб турадилар. Хавода кўп минг киши хитоб қилган «ура» овозлари янграйди.

Шахта ёнида Н. С. Хрушчевни ва совет делегациясининг аъзоларини кон-руда ва электр энергетика саноати министри Бужор Алмэшан кутиб олди. У энг яхши кекса шахтёрларни меҳмонларга таништирди.

Шахта олдидаги майдончада минбар ясалган. Майдонга туташган кўчаларда ва яшил тепаликда ўн мингларча киши тўпланди. Митинг бошланади. Митингни Петрошан район партия комитетининг биринчи секретари Давид Лазэр очади. У, шахтерлар бригадири В. Феерга сўз беради. Феер совет меҳмонлари шахтёрлар шаҳрига келганлиги учун уларга қизғин ташаккур айтади.

Митингда Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси давлат кенгашининг раиси Г. Георгиу-Деж нутқ сўзлади. Унинг нутқи тўпланганларнинг гулдурос қарсаклари билан бир неча марта бўлиниб турди.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев минбарга чиққанида митинг қатнашчилари уни гоят қизғин ва самимий кутиб олдилар. Унинг ёрқин нутқи гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди. Майдонда «ура» овозлари ҳамда чин кўнгилдан айтилган дўстона табрик хитоблари янграб турди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Д. Лазэр Н. С. Хрушчевга ва Г. Георгиу-Дежга шахтёрларнинг каскаларини топширди.

Шахта бошқармаси биносида митингдан кейин совет делегацияси билан шахтёрларнинг дўстона учрашуви бўлиб ўтди.

Кечқурун делегация поездда Крайовага жўнаб кетди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг Руминия Халқ Республикасида бўлиши. Суратда: Н. С. Хрушчев Бухарест область Кэлэраш районидаги «Чаку» коллектив қишлоқ хўжалигининг чорвачилик фермаси меҳнаткашлари билан суҳбатлашмоқда.

ТАССнинг махсус мухбири **В. Соболев** фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг учинчи пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

22 июнда Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III пленуми очилди.

Пленум ишида қатнашиш учун область партия комитетларининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаларининг бошлиқлари, область партия комитетлари қишлоқ хўжалик ва партия органлари бўлимларининг мудирлари, область суғориш системаларининг бошлиқлари, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раислари, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари, область партия комитетларининг территориал ишлаб чиқариш бошқармаларидаги партия ташкилотчилари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари, қишлоқ хўжалик илғорлари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, корхоналар, колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг секретарлари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, матбуот ходимлари таклиф қилинган.

Пленум кун тартибига икки масала қўйилади:

1. Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларининг 1962 йил учун олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида.

2. Ўзбекистон КП Тошкент ва Бухоро область комитетларининг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлиги тўғрисида.

Биринчи масала юзасидан пленумда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Андижон область ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. ҲАЙДАРОВ, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ф. Ш. ШАМСИДДИНОВ, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ Н. В. МАРТИНОВ, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси ўртоқ Ш. НАЗАРОВ, Тошкент область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Э. Т. ШАЙХОВ, Фарғона область ижроия комитетининг раиси ўртоқ П. ҚАЮМОВ, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Л. ЛИ, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг раиси ўртоқ М. И. КИЧАНОВ, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Қ. КАМОЛОВ, Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министри ўртоқ В. А. БИЛБАС, Денов районидаги Калинин номли колхоз комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи ўртоқ Н. ТУРАЕВ, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри ўртоқ Х. ЭРҒАШЕВ қатнашдилар.

Иккинчи масала юзасидан Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. АБДУРАЗЗОҚОВ ва Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. М. МАТЧОНОВ докладлар қилдилар.

Докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Музокарада Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. МАҲМУДОВ, Самарқанд область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ В. П. ВИНОГРАДОВ сўзга чиқдилар.

Пленум ўз ишини давом эттирмоқда.

ЮГОСЛАВИЯ ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ халқ скупшчинаси делегацияси 22 июнда республика меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишиб чиқишни давом эттирди. Делегацияга скупшчина раиси П. Стамболич бошчилик килади.

Югославия парламенти аъзолари Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида бўлиб, республиканинг атоқли олимлари билан учрашдилар. Фанлар академиясининг президенти У. О. Орифов академиянинг тузилиши, тадқиқот институтларининг фаолияти ва бу институтларда илмий проблемалар қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисида меҳмонларга сўзлаб берди.

Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ халқ скупшчинасининг раиси П. Стамболич Ўзбекистон олимларига мурожаат килиб, Югославия халқи СССРда фан эришган катта муваффақиятлардан яхши хабардор эканлигини айтди. Делегация бошлиғи ўзи ва ўз йўлдошлари Ўзбекистонда фан эришган ютуқларга қойил қолганликларини таъкидлади.

Шундан кейин меҳмонлар Тошкент бўйлаб сафарга чиқдилар ва шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Чилонзор массиви билан танишиш уларда катта қизиқиш туғдирди.

Югославия парламенти аъзолари тўқимачилик комбинатида бўлдилар ва бу ерда газлама ишлаб чиқариш кўлами, фабрикаларда меҳнатнинг ташкил этилиши билан қизиқиб танишдилар.

Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ халқ скупшчинасининг делегацияси тушдан кейин Самарқандга жўнаб кетди. Меҳмонлар тарихий ёдгорликларни томоша қилдилар ва шаҳарнинг ҳозирги ҳаёти билан танишдилар. Самарқанд область ижроия комитетининг раиси Ғ. Ғ. Юсупов делегация шарафига зиёфат берди. Меҳмонлар шу куннёқ Тошкентга қайтиб келдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси И. В. Спиридонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. М. Мусахонов, республика Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, шунингдек Югославиянинг СССРдаги элчиси Ц. Миятович Югославия парламенти аъзоларига ҳамроҳ бўлдилар. (ЎзТАГ).

БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси шу йил 25 июнда эрталаб соат 9 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари шу йил 23 ва 24 июнда эрталаб соат 10 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ У. Ё. ИБРОҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Убайдулла Ёқубович **Иброҳимов** Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевиденне давлат комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри. 1962 йил 20 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ 1962 ЙИЛ УЧУН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида 1962 йил 22 июнда ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВНИНГ доклади *)*

— Бизнинг турмушимиз, бизнинг меҳнатимиз, бутун фаолиятимиз, — деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов, — Партия XXII съездининг тарихий қарорларини, КПССнинг янги Программаси чизиб берган улуғ режаларни амалга ошириш учун кураш белгиси остида бормоқда.

Ҳозирги вақтда партия индустрияни биринчи навбатда янада ривожлантириш билан бир қаторда коммунистик қурилишнинг энг масъул участкаси бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш сингари соҳада кескин бурилиш ясашга совет халқининг куч ва ғайратини йўлламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасида партиянинг вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, колхоз-совхоз ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг, халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондирмоқ учун мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилишнинг энг зарур амалий чораларини белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кейинги йилларда колхозлар ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалигига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини кучайтиришга қаратилган бир қанча жуда муҳим тадбирларни амалга оширдилар.

Қишлоқ хўжалиги учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар кўпайтирилаётганлиги билан бир қаторда машиналар, бинокорлик материаллари, металл ва металл буюмларнинг нархлари камайтирилганлиги натижасида колхозлар анчагина қўшимча маблағ олмоқдалар. Чорвачилик учун капитал қурилишга планда белгиланган маблагга қўшимча равишда бу йил совхозлар учун яна анча маблағ ажратилди.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун иқтисодий жиҳатдан асосланган харид нархларини тўғри белгилашга катта аҳамият бермоқда. Харид нархлари ишлаб чиқариш чиқимларини тўла равишда қоплаши ва шу билан бирга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарур жамғармалар тўплашни таъминлаши лозим. Кейинги вақтларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш нархларини тартибга солиш соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу нархлар бирмунча оширилди. Шу ойнинг бошида колхозлар томонидан давлатга сотилаётган ва совхозлар томонидан давлатга топширилаётган чорва ва парранда-нинг харид нархлари, шунингдек мол ёғи ва қаймоқнинг харид нархи бутун мамлакатда ўрта ҳисобда 35 процент оширилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси, табиийки, колхозлар ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлашга, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини оширишга ёрдам беради.

Партия қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қурганлигининг жуда катта сиёсий-иқтисодий аҳамияти бор. Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги органлари тузилгандан бери гарчи орада сал кам уч ойгина вақт ўтган бўлса ҳам бу органларнинг нақадар катта, ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳар бир киши кўриб турибди. Янги бошқарув органлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ишини ҳам, тайёрлаш ишини ҳам ўз қўлларига олдилар, ҳар бир хўжалик билан конкрет равишда шуғулланмоқдалар, колхозлар ва совхозларнинг резервлари ва имкониятларидан энг тўлиқ фойдаланиш учун амалий чоралар кўрмоқдалар.

Бироқ, шуни айтиш керакки, янги органларда ишловчи ходимларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифаларини тўғри тушуниб олдилар ва топширилган ишни моҳирлик билан бажараётирлар деб бўлмайди. У ходимларнинг баъзилари ишлаб чиқаришга актив таъсир кўрсатиш ўрнига колхозма-колхоз ва совхозма-совхоз югуриб юриш ёки нуқул қоғозбозлик билан шуғулланмоқдалар. Ишлаб чиқариш бошқармалари билан район ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг чатоқ йўлга тушиб кетганлигини кўрсатувчи фактлар ҳам бор. Бундай чатоқликлар асосан шу нарсада кўринмоқдаки, баъзи район партия комитетларининг секретарлари ва район ижроия комитетларининг раислари ишлаб чиқариш бошқармаларига илгариги район ер бўлимларига қараган назар билан қарамоқдалар, уларнинг қилиши лозим бўлган ишларни ўзлари қилишга уринмоқдалар, бу билан ишлаб чиқариш манфаатларига зарар етказмоқдалар.

Колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг вазифалари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети март Пленумида қилган докладида, Пленум қарорида тўла-тўкис белгилаб берилди. Район партия комитетларининг бурчи шуки, улар ишлаб чиқариш бошқармаларига ҳар томонлама ёрдам бериб туришлари, колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишда улар бажарадиган ишни ўзлари бажармай, балки уларнинг ролини ҳар томонлама оширишлари лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

*) Доклад қисқартирилган стенограммадан босилди.

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг давоми

(Боши биринчи бетда).

Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги структураси шундай жуда катта кучни ўз ичига олганки, бизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада кескин юксалтириш манфаатларини кўзлаб, бу кучларни тўла равишда ишга солишимиз лозим.

Экономикани тўхтовсиз ривожлантириш тўғрисида, аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ва саноат учун хом ашёни мўл-кўл қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилинаётганлигини кўриб, — дейди докладчи — совет кишилари жонажон Коммунистик партиямизга, коммунизм тантанаси йўлида оташин курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетга ўзларининг қизғин муҳаббатларини ва ташаккурларини чин кўнгилдан изҳор қилмоқдалар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Шу ғамхўрликдан руҳланган, партиямиз қилаётган улуғ ишлар билан фахрланаётган совет кишилари, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам социалистик мусобақани тобора кенгайтириб, партиянинг: «Бугун кўпроқ ишлаш эртага кўпроқ маҳсулотга эга бўлиш демакдир!» деган шиорини амалга оширмоқдалар.

Бу қудратли ватанпарварлик ҳаракатига бизнинг шонли ишчилар синфимиз бошчилик қилмоқда.

Республика саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш беш ойлик планини муддатидан олдин бажариб, пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот берди. Тошкент темир йўли, граждан ҳаво флоти бошқармаси, автомобиль транспорти ва Алоқа министрлиги ходимлари беш ойлик программани муваффақиятли бажардилар.

Республикада капитал қурилиш бирмунча яхшиланди. Шу йилнинг беш ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан капитал маблағлар 12 процент кўп, қурилиш-монтаж ишларида эса 10 процент кўп ўзлаштириди. Умумий сатҳи 188,4 минг квадрат метрлик, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 73 минг квадрат метр кўп уй-жой бинолари қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Оҳангарон ва Тахиатош ГРЭСларида, Тошкент электрокабель заводида ва Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводида ҳам қўшимча қувватлар ишга туширилди. Тошкентда санитария-техника ускуналари ишлаб чиқарувчи завод ишлаб турган корхоналар қаторига кирди. Оҳангарон цемент заводининг иккинчи технология линияси 15 июнда ишга туширилди.

Саноат корхоналари, транспорт, алоқа, қурилиш ташкилотлари коллективларининг эришган муваффақиятларини тақдирлаш билан бир қаторда уларнинг фаолиятидаги жиддий камчиликлардан кўз юмишимиз мумкин эмас.

Халқ хўжалиги кенгаши корхоналаридан 44 таси ва маҳаллий саноат корхоналаридан 53 таси ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш беш ойлик планини бажармади. Саноат маҳсулотларининг сифати ҳам ҳанузгача кўнгилдагидек эмас. Транспорт ва алоқа ходимлари ўзларининг ҳамма имкониятлари ва резерврларидан ҳали ҳам тўла фойдаланмаётирлар.

Капитал қурилишдаги ишлар бирмунча яхшиланганлигига қарамай капитал қурилиш республика халқ хўжалигининг ҳали ҳам қолоқ тармоқларидан бири бўлиб қолаётир. Капитал маблағларни ўзлаштириш беш ойлик плани атиги 91 процент, қурилиш-монтаж ишлари беш ойлик плани эса 93 процент бажарилди.

Биз саноат, транспорт, қурилиш соҳасида катта мажбуриятлар олганмиз. Бу мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқ учун ҳар кунни, ҳар соатни, ҳар минутни ганимат билиб ишлашимиз керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бу пленуми, дейди сўнгра докладчи, республика колхозлари ва совхозларининг 1962 йил учун олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқиш ниятида тўпланди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилмоқ учун икки марта кетма-кет Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумини чақиришга тўғри келиб қолди.

Бу масалаларга шунчалик жиддий эътибор берилаётганлигининг сабаби нима?

Бунинг сабаби, биринчидан шуки, партия қудратли саноат билан бир қаторда ҳар томонлама ривожланган, яшнаб борувчи ва сермаҳсул қишлоқ хўжалигини ҳам вужудга келтиришни коммунизм қуришнинг энг зарур шарти деб ҳисоблайди.

Иккинчи сабаби шуки, КПСС Марказий Комитетининг 1953 йилдаги сентябрь Пленумидан кейин қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жуда катта ютуқлар қўлга киритилганлигига қарамай партия эришилган натижаларни ўзла равишда қаноатланарли деб ҳисоблаётгани йўқ. Бутун мамлакатда ҳам, шунингдек бизнинг республикамизда ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида эришилган даража аҳолининг баъзи озиқ-овқат маҳсулотларига ва аввало чорвачилик маҳсулотларига ўсиб бораётган талабини таъминлаш учун, маълум сабабларга кўра, ҳали етарли эмас. Етти йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида давлатга пахта, галла ва мева сотиш, бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасида контроль рақамларда кўрсатилган топшириқлар кам бажарилганлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Учинчи сабаби шуки, республикада бу йил қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шароит шундай бўлиб қолдики, олинган социалистик мажбуриятларни ҳеч сўзсиз бажармоқ учун бир қанча қўшимча чоралар кўриш талаб қилинади.

Шуни айтиш керакки, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари баҳор ойларида яхши ишладилар. Табиат қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига кетма-кет гов солиб турганлигига қарамай, улар қийинчиликлар олдида бўшашмадилар ва бу қийинчиликлар билан курашиб, республикамизда асосий қишлоқ хўжалик экини бўлган чигит экиш планини ошириб бажардилар ва баҳорги экиндаги ўтган йилдагига қараганда кўпроқ экдилар. Гўшт тайёрлаш ярим йиллик плани ва қорақўй тери тайёрлаш йиллик планлари муддатидан олдин бажарилди. Тухум тайёрлаш йиллик плани бажарилиш олдида турибди. Бухоро ва Сурхондарё областлари баҳорги қурт боқиш ҳисобига пилла тайёрлаш планини бажардилар.

Биз бу муваффақиятларни мамнун бўлиб қайд қилиш билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳасида етти йилликнинг тўртинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида олиб бораётган ишимиздаги катта камчиликлардан кўз юма олмаймиз.

Юқори ҳосилнинг «сири» мана шунда!

Пахта далаларини қишлоқ хўжалик зараркунандалари босиб кетганлиги катта хавф туғдирмоқда. Бу зараркунандалар ҳосилга жуда ёмон зарар етказади. Шунга қарамай кўп районлар ва хўжаликларда зараркунандаларга қарши курашмоқ учун трактор аппаратларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, қўл аппаратлари эса бутунлай бекор ётибди.

Экинларнинг аҳволи гўза парвариши устида катта иш олиб боришни талаб қилади. Бироқ бир қанча хўжаликлар ва районларда хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Колхоз ва совхозлардаги мавжуд ишчи кучи ва бой техникадан яхши фойдаланилмаётир.

Бунга Жомбой районидаги Ленин номли колхозни мисол қилиб кўрсатса бўлади. Бу колхозда пахта далаларида ишлаш учун 556 киши ажратилган бўлса ҳам, ҳақиқатда шу одамларнинг ярмидан сал кўпроғи ишламоқда. Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда пахтачилик бригаталарига биркитиб қўйилган колхозчиларнинг 50-70 процентигина пахта далаларида ишламоқда, Фарғона районидаги Максим Горький номли колхозда эса пахтачилик бригаталарига биркитилган колхозчиларнинг 60 процентигина гўза парваришида қатнашмоқда.

Шунингдек, экинларни парвариш қилишда трактор культиваторларидан тўла фойдаланилмаяпти.

Аҳвол яна шу билан мураккаблашмоқдаки, кўпгина районларда ўтган йилги хатолар такрорланмоқда. Ўтган йили экинларни суғориш ҳеч сабабсиз кечиктирилган эди. Бу анча майдонда гўзанинг чанқаб қолишига олиб келди.

Ҳамма сув манбаларида сувнинг ҳаддан ташқари оз бўлиши кутилаётган бу йилги шароитда ана шу хатоларнинг такрорланиши айниқса хавфлидир.

Сув етарли бўлган ва экинлар жуда сув талаб бўлган ҳозирги пайтда районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари нима учун қимматли вақтни қўлдан бериб, суғоришни кечиктираётганлигга ҳайрон бўласан, киши. Суғоришни бундан бўён кечиктириш гўзага жиддий зарар етказиши мумкин.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи ҳукумати мураккаб об-ҳаво шароитини ва бу йил сувнинг мисли кўрилмаган даражада кам бўлишини ҳисобга олиб бизга жуда катта моддий-техника ёрдами кўрсатмоқда. Биз иттифоқ ҳукуматига қандай илтимос билан мурожаат қилган бўлсак ҳаммаси қондирилди. Бу оталарча ғамхўрликка иш билан жавоб беришимиз — Ватанга кўплаб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришимиз, ўз социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажаришимиз керак.

Бизда бунинг учун имконият борми? Сўзсиз шундай шароит бор!

Ҳамма гап раҳбарлик савиясига, мамлакатни пахта билан таъминлаш каби зиммамиздаги масъулиятни тушунишимизга боғлиқдир.

Афсуски, орамизда шундай ходимлар ҳам борки, улар жуда кўп гапирадилар-у, лекин кам иш қиладилар. Қийин масалаларни ҳал қилишдан қочишга, қоғоз орқасига яшириниб олишга урунадилар. Фақат хушёмасларгина ана шундай қилиши мумкин. Чинакам коммунист ҳамиша ҳаракатчан кишидир. Унинг учун ўтиб бўлмайдиган гов, ҳал қилиб бўлмайдиган вазифа, у енгиб ўта олмайдиган тўсиқ йўқ.

Халқ мақолида «Юрган дарё, ўтирган бўйра» дейилади. Доимо олга ҳаракат қилган кишигина, доимо меҳнат қилган кишигина мақсадига эришади. Дарров саросимага гушадиган ва озгина қийинчилик олдида ҳам эсанкираб қоладиган киши ишни барбод беради, холос.

Биз қолоқ хўжаликларни эътибор билан ўрганишимиз, ҳаловатсизлик билан излаш, ишлаш, ўзаро тажриба алмашиш, ишни шундай ташкил қилишимиз керакки, биринчидан ва иккинчидан, шундай ҳосил тўпланисинки, у гўзанинг сийраклиги ўрнини ҳам қоплаши.

Мутахассислар олинган мажбуриятларни бажариш учун 1 августга қадар ҳар бир туп гўзада камида 5-6 тадан, йиғим-терим бошланишига қадар эса 10-12 тадан бўлиб кўсак бўлиши кераклигини хисоблаб чиқдилар.

Ана шунга эришиш учун нима қилмоқ керак?

Энг аввало шуни аниқ тушуниш лозимки, мўл ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан июнь ва июль ойларидаги ишларимизга боғлиқдир.

Партия ва совет ташкилотлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, унинг область ва территориал ишлаб чиқариш бошқармалари мавжуд барча трактор механизмларини ва от культиваторларини гўза парваришига сафарбар қилишлари, улардан унумли фойдаланишни таъминлашлари керак.

Ҳозирги масъулиятли даврда меҳнатга қобилиятли ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчиси, жисмоний меҳнат билан шуғулланиши мумкин бўлган ҳар бир киши далада бўлиши лозим. Яқин кунлар ичида барча далаларни бегона ўтдан тозалаш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириб ташлаш, органик ва минерал ўғитлар солишни тезлаштириш зарур.

Сув танқис бўлган ва ўртача шароитда сув ресурсларидан тежаб-тергаб ва тўғри фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Гап ош сув сарфлаб пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш тўғрисида бормоқда.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси бу вазифани ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда. «Сельская жизнь» газетасида Ленин районидаги Хрушчев номли колхознинг ажойиб тажрибаси ҳақидаги материални ҳамма ҳам ўқиган бўлса керак. Бу колхоз ўтган йили сув кам бўлса ҳам, мўл пахта ҳосили етиштирди ва йиғиб-териб олди. Лекин бу ягона бир мисол эмас. Ўтган йили, ҳатто бу йил ҳам кўпгина колхозлар оқар сувнинг камчиллигини насослар ўрнатиб, коллектор ва ер ости сувларидан фойдаланиш ҳисобига қопламоқдалар. Бу йил ер ости ва оқава сувлардан фойдаланиш ҳақиқатан ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳамма жойда экиларни кечаю кундуз суғоришни ташкил этиш, бригадалар ўртасида, хўжаликлар ўртасида сувдан навбат билан фойдаланиш жуда муҳимдир. Бу — сувдан фойдаланиш коэффициентини анча ошириш ҳамда сувнинг нобуд бўлишини камайтириш имконини беради,

Сувни эгасизларча сарфлашга ва уни исроф қилишга қарши аёвсиз кураш эълон қилиниши лозим.

Оз сув билан мўл ҳосил олайлик! Ҳар бир колхозда, ҳар бир совхозда, ҳар бир бригадада ана шу шиор остида иш олиб борилиши лозим.

Республикада пахта етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини районларо ва областлараро текшириб чиқиш тамом бўлди. Ўзаро текшириш комиссиялари гўза парваришидаги катта камчиликларни аниқладилар, жуда яхши тавсиялар бердилар. Аниқланган камчиликларнинг дарҳол бартараф қилинишини ва ўзаро текшириш комиссиялари тавсияларининг бажарилишини таъминлаш керак.

Яқин вақтда социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текшириш учун биз билан мусобақалашаётган қардош пахтакор республикаларнинг вакиллари келадилар. Биз мусобақадош ўртоқларимизнинг келишидан ғўза парваришини кучайтириш учун фойдаланишимиз зарур.

Экинларни парвариш қилишни кучайтириш билан бирга пахтачиликни комплекс механизациялаш ва пахтани машинада теришга тайёргарликни яхши уюштириш соҳасидаги мажбуриятларимизни доимо эсда тутишимиз керак.

Бу йил пахтадан мўл ҳосил олиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан бирга, деб давом этади докладчи, — пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари истиқболи тўғрисида ҳам ўйлаш лозим.

Маълумки, суғориладиган деҳқончилик шароитида ирригация ва мелиорация қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш асосларининг асосидир. Чиндан ҳам халқ айтганидек «сув — ҳосилнинг жонидир».

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ирригация қурилиши ва янги ерларни ўзлаштириш борасидаги ҳамма масалаларда бизга ёрдам кўрсатмоқда. Қорадарёда Кампирравот сув омбори. Чирчиқ дарёсида Чорвоқ сув омбори, Амударёда Тахиатош гидроузели. Пачкамар сув омбори ва бошқа ирригация объектлари қуриш масалалари ижобий ҳал қилинди.

Қарши ўлкини Амударё суви билан суғориш Ўзбекистон ирригациясининг асосий проблемасидир. КПСС Марказий Комитетида бу проблемани ҳал қилиш юзасидан киритган таклифларимиз маъқулланди. Бу таклифларда серқуёш Қарши водийсида бир миллион гектардан кўпроқ ерни сув билан таъминлаш кўзда тутилган. Шундай қилиб, партия ва ҳукуматнинг ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли, бизнинг уч баҳодиримиз — Мирзачўл, Марказий Фарғона ва Қарши ўлки эндиликда пахтани мўл-кўл қилиш каби юксак мақсад сари қўлни-қўлга бериб, бирга бормоқда.

Бу йил биз сув хўжалиги қурилиши ва янги ерларни ўзлаштириш соҳасида катта вазифаларни ҳал қилишимиз лозим.

1962 йил планида Тошкент, Каттақўрғон ва Косонсой сув омборларини кенгайтириш, Чимқўрғон сув омбори қурилишини, Жанубий Сурхон сув омбори қурилиши биринчи навбатини, Хоразм ва Тошовуз областлари территориясидаги республикаларо Озёрний коллектори қурилишини тугаллаш, Мирзачўл ва Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ишларини давом эттириш. Аму-Қоракўл каналининг биринчи навбатини ишга солиш ва бошқа сув хўжалиги тадбирлари кўзда тутилган.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида камида 80 минг гектар суғориладиган ер, шу жумладан Мирзачўлда 17 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилиши керак, шунингдек камида 1 миллион гектар яйлов сув билан таъминланиши лозим.

Бироқ, бу программа қониқарсиз амалга оширилмоқда, бу эса баҳори экилар экиш планининг пайсалга солинишига асосий сабаблардан бири бўлаётир.

Умуман республика бўйича 57 минг гектардан сал кўпроқ янги ер тайёрланди ёки топшириқ 71,4 процент бажарилди. Бироқ текшириш тайёрланган бу ерларнинг ҳам кўп қисмига экин экилмаганлиги аниқланди.

Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш Андижон область бошқармасининг маълумотларига кўра, областда 10 июнга қадар 9100 гектар ер тайёрланган, шундан 4200 гектарига яъни ярмидан камроғига экин экилган. Бошқа областларда ҳам ана шундай фактлар содир бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг совхозлари бу йил экин экиш учун янги ер очиш планини 71 процент, колхозлар эса 11 процент бажардилар. Сурхондарё области ва Қорақалпоғистон АССРнинг сув чиқарилаётган янги ерларида совхозлар ташкил этиш ёмон бормоқда. Яйловларни сув билан таъминлаш ишлари ҳам жуда суст олиб борилмоқда.

Сув хўжалиги қурилиши ва совхоз қурилишига, янги ерларни ўзлаштиришга масъулиятсизлик билан қарашга чек қўйиш керак.

Бу йилги топшириқда ўзлаштириш кўзда тутилган 80 минг гектар ерни албатта қишлоқ хўжалик оборотига киритиш учун барча чораларни кўриш бизнинг бурчимиздир.

Биз ҳамма ишимизда, — деб давом этади докладчи, — илғор тажрибага ва фан ютуқларига таянишимиз лозим. Шу муносабат билан Михаил Михайлович Бушуевнинг бой мероси тўғрисида гапириб ўтмоқчиман.

Бушуев ўз вақтида чорвачиликда новатор эди, пахтачиликда новатор эди, ирригация ва мелиорацияда ҳам новатор эди. У жуда серғайрат, синчков ва ўткир ақлли киши эди. Унинг ҳозиргидек лабораториялари, замонавий аниқ приборлари йўқ эди. У деярли ҳеч қаерга чиқмай кимсасиз Мирзачўлда шўр ерлар орасида узоқ йиллар яшади, жуда оғир шароитларда келаси ўн йилларга тааллуқли масалаларни ҳал қилди. Унинг асарларидаги бир қатор қондалар эскириб қолди, албатта. Чунки шу ўтган йиллар ичида фан анча илгарилаб кетди. Лекин М. М Бушуевнинг Мирзачўлда ва Ўрта Осиёнинг бошқа районларида ғўзани кўп йиллаб кузатиш натижасида чиқарган хулосалари ҳозирда ҳам катта аҳамиятга эга. Биз М. М. Бушуевнинг жуда бой меросини муфассал ўрганишимиз, энг тўғри алмашлаб экишни жорий этиш, пахтачиликни, чорвачиликни ва республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш соҳасидаги амалий ишимизда унинг асарларидаги барча қимматли кўрсатмаларидан фойдаланишимиз лозим.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг пахтакор республикалар меҳнаткашларининг ишлари халқнинг моддий фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир, деган сўзларини эслатиб бундай дейди:

— Биз бу сўзларни бир минут ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Табиат қандай инжиқликлар қилмасин, қандай қийинчиликлар туғдирмасин, шунга қарамай — биз Ватанга тобора кўпроқ ва кўпроқ пахта етказиб беришимиз лозим. Ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчиси, ҳар бир қишлоқ хўжалик мутахассиси, ҳар бир раҳбар ходим, у қандай лавозимда ишлашидан қатъий назар, ана шу мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилиши керак.

ОЗ СУВ БИЛАН КЎП ПАХТА ЕТИШТИРАЙЛИК

Ўрток Ш. Р. Рашидов пахтачиликни ривожлантириш масалаларига ўтиб бундай деди:

— Партия пахта етиштиришни кўпайтиришнинг коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдаги энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Бу фахрли вазифани бажаришда энг катта масъулият мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлган бизнинг республикамиз зиммасига тушади.

КПСС Марказий Комитетининг доно раҳбарлиги ва доимий ёрдами туфайли Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари пахтачиликни ривожлантиришда кейинги йилларда бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Пахтачилик сифат жиҳатидан мислсиз юксакликка кўтарилди. Ғўзани парвариш қилиш агротехникаси тўбдан ўзгарди, фан ва илғор тажрибанинг энг янги муваффақиятлари бу агротехникага асос қилиб олинди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ўзининг яхши самаларини берди. Республикада пахта етиштириш етти йилликнинг уч йили мобайнида ундан олдинги уч йилдагига нисбатан қарийб 450 минг тонна кўпайди.

Биз бу ўсишдан хурсандмиз, лекин шу билан бир вақтда шуни яхши билишимиз керакки, агар биз ўзимизнинг жуда бой резерларимиз ва имкониятларимизни яхшироқ фойдаланганимизда эди, бу ўсиш анча кўпроқ бўлиши мумкин ва лозим эди.

Шуни бир минут ҳам унутмаслик керакки, етти йилликнинг дастлабки уч йили учун берилган топшириқларни бажаришда бизнинг республикамиз давлат олдида катта қарздор бўлиб қолди.

Биз Ватанга пахтани икки юз минг тонна чамаси кам бердик, бу эса контроль рақамларга нисбатан икки процентдан кўпроқ миқдорни ташкил қилади.

Бу йил республика партия ташкилотлари жиддий сиёсий имтиҳондан ўтадилар. Биз бу йил учун олинган социалистик мажбуриятларни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бажаришимиз, — Ватанга 3 миллион 350 минг тонна пахта беришимиз ишни пухта ташкил этиб контроль рақамларнинг топшириқларини олдинроқ бажаришимиз ва етти йиллик топшириқларни ҳеч сўзсиз амалга оширишга эришмоғимиз керак.

Республика пахта далаларидаги ишларнинг аҳволига мана шу талаблар кўзи билан қараб баҳо беришимиз керак.

Бу йилги баҳор ва ёзнинг дастлабки ойлари одатдагидан бошқачароқ бўлганлигини қайд қилиб ўтмаслик мумкин эмас. Февраль ва март ойларидаги иссиқ кунлардан кейин ҳаво совиб кетди, қаттиқ сел ва дўллар ёғди. бўроншамоллар эсди бунинг натижасида катта майдонлардаги экинларга шикаст етди ва униб чиққан ғўзалар нобуд бўлди. Республикада уч юз минг гектардан кўпроқ ерга, шу жумладан июнь ойида 50 минг гектар ерга қайтадан чигит экишга ва деярли ҳамма майдонларда ғўзаларнинг хато чиққан жойларига чигит экишга тўғри келди. Кўп хўжаликлар икки-уч мартадан қайта чигит экишга мажбур бўлдилар. Бу ҳол ҳосил учун курашнинг биринчи даврида катта қийинчиликлар туғдирди ва ғўзанинг ўсишини секинлатди. Мутахассисларнинг кўрсатишича катта майдонларда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши 15-20 кун орқада қолмоқда. Баъзи хўжаликларда эса ғўзанинг ривожланиши бундан ҳам орқада.

Биз зўр мамнуният билан шуни қайд қилишимиз керакки, бу йилги баҳорнинг қийин шароитларига қарамай кўп колхозлар ва совхозларнинг пахтакорлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида зўр ирода ва мардлик билан ишладилар, юксак даражада уюшқоқлик ва фидокорлик кўрсатдилар, қаҳрамонона меҳнат қилиб, ғўзанинг нормал ривожланишини таъминладилар. Бу хўжаликларда ғўзанинг ҳозирги ривожланиши пахтадан мўл ҳосил олишга имкон беради.

1-«Боёвут», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Малик», «Совой» совхозларининг, Янгиқўрғон районидаги «Москва» колхозининг, Ленин районидаги «Ўзбекистон», Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли, Қува районидаги «Коммунизм», Олтиариқ районидаги Карл Маркс номли, Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли, Тўртқўл районидаги Максим Горький номли, Пискент районидаги Хрушчев номли, Янгиер районидаги «Коммунизм», Янгиўл районидаги Ленин номли, Жарқўрғон районидаги «Меҳнат роҳат», Камаши районидаги «Коммунизм», Ғиждувон районидаги «Гулистон», Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозларининг ва бошқа кўп хўжаликларнинг пахтакорлари мана шундай қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Ленинград, Денов ва бошқа районларнинг меҳнаткашлари зўр уюшқоқлик билан ишлаб фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Шу хўжаликлар ва районларнинг меҳнаткашлари об-ҳавони сира писанд қилмаётирлар, ҳеч қандай объектив сабабларни кидирмаётирлар, аксинча, қийинчиликлар олдида тағин ҳам зўр ғайрат кўрсатиб далалардаги ишларни шундай ташкил қилмоқдаларки, уларнинг бу ғайрати ҳар қандай шароитда мўл ҳосил етиштиришни, олинган социалистик мажбуриятларнинг ҳеч оўзсиз бажарилишини таъминлай олади.

Бироқ бизда хўжаликлар ва районларнинг шундай раҳбарлари ҳам борки, улар оқибатларини осонгина йўқотиш мумкин бўлган салгина табиий офат рўй бериши биланоқ ташкилотчилик ишини кучайтириш ўрнига биринчи галда ҳар хил актлар тузиш ва справкалар тўплашга киришадилар, пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолган тақдирда шу актларни ва справкаларни рўкач қилмоқчи бўладилар. Бу кишилар ўзларининг бу ҳаракатлари билан табиат олдида ўзларининг ожизликларига иқрор бўлиб, қийинчиликларни йўқотиш учун курашдан воз кечиб юборадилар.

Ҳазорасп районидаги «Ленин йўли» колхозида ғўза қаровсиз колганлигига. ўз вақтида парвариш қилинмаётганлигига сабаб фақат мана шу. Бу колхозда пахта майдонларининг ярмини ўт босиб кетганлиги ва ғўзалар шу вақтгача шоналамаганлиги ҳам тасодифий эмас.

Норин районидаги Карл Маркс номли, Термез районидаги Жданов номли, Бешкент районидаги «Москва» колхозларида, «Красногвардейск», «Оққўрғон», «Қўқон» совхозларида ва бошқа хўжаликларда ҳам аҳвол шундай.

Оққўрғон (райкомнинг иккинчи секретари Кабачков, район ижроқомининг раиси Айтқулов ўртоқлар), Комсомол (райкомнинг биринчи секретари Жалилов, райижроком раиси Қолдибоев ўртоқлар), Қува (Эрматов ва Каримов ўртоқлар), Булунғур (Мелиев ва Маҳсумов ўртоқлар), Жалақудуқ (Йўлчибоев ва Собиров ўртоқлар), Марҳамат (Ҳусанов ва Юсупов ўртоқлар), Коғон (Мироқов ва Зулфиддинов ўртоқлар) Навоий (Алиев ва Мансуров ўртоқлар), Бухоро (Давидянц ва Мўминов ўртоқлар), Ангор (Қосимов ва Давхонов ўртоқлар), Қарши (Эшонқулов ва Каримов ўртоқлар), Гурлан (Раҳимов ва Хўжаев ўртоқлар), Кегайли (Холмуродов ва Бекберганов ўртоқлар), Хўжайли (Ожраев ва Хўжаниёзов ўртоқлар) районларида экинларнинг аҳволи жуда ҳам қониқарсиз.

Шу районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари партия XXII съездининг ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларидан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмадилар, пахтачиликни ривожлантириш ишига партия томонидан қўйилаётган юксак талабларни гушунмадилар ёки тушунишни истамаётирлар.

Никита Сергеевич Хрушчев жуда тўғри бир гапни айтди: баъзи раҳбарлар одатда йил бошида кўп-кўп ваъдалар берадилар, йил охирида эса ишни барбод қилганлар, Комсомол (райкомнинг биринчи секретари Жалилов, райижроком раиси Қолдибоев ўртоқлар), Қува (Эрматов ва Каримов ўртоқлар), Булунғур (Мелиев ва Маҳсумов ўртоқлар), Жалақудуқ (Йўлчибоев ва Собиров ўртоқлар), Марҳамат (Ҳусанов ва Юсупов ўртоқлар), Коғон (Мироқов ва Зулфиддинов ўртоқлар) Навоий (Алиев ва Мансуров ўртоқлар), Бухоро (Давидянц ва Мўминов ўртоқлар), Ангор (Қосимов ва Давхонов ўртоқлар), Қарши (Эшонқулов ва Каримов ўртоқлар), Гурлан (Раҳимов ва Хўжаев ўртоқлар), Кегайли (Холмуродов ва Бекберганов ўртоқлар), Хўжайли (Ожраев ва Хўжаниёзов ўртоқлар) районларида экинларнинг аҳволи жуда ҳам қониқарсиз.

Шу районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари партия XXII съездининг ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларидан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмадилар, пахтачиликни ривожлантириш ишига партия томонидан қўйилаётган юксак талабларни гушунмадилар ёки тушунишни истамаётирлар.

Никита Сергеевич Хрушчев жуда тўғри бир гапни айтди: баъзи раҳбарлар одатда йил бошида кўп-кўп ваъдалар берадилар, йил охирида эса ишни барбод қилганлар

САБЗАВОТ, КАРТОШКА, МЕВА, УЗУМ, ПИЛЛА ВА ЛУБ ЭКИНЛАРИ ЕТИШТИРИШ КЎПАЙТИРИЛСИН

КПСС Марказий Комитети март Пленуми, — деб давом қилади докладчи, — сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликка катта эътибор берганлигини сизлар биласизлар.

Бу йил республикадаги сабзавоткор бригада ва хўжаликларнинг меҳнаткашлари ўз зиммаларига юксак мажбурият олдилар. Улар 676 минг тонна сабзавот, 336 минг тонна картошка ва 614 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти етиштиришга аҳд қилдилар.

Бироқ, экишнинг борниши ва бу экинларнинг ривожи ҳозирча олинган мажбуриятларга яраша эмас.

Сабзавоткор хўжаликлар эндиликда техника билан яхши таъминланган, улар пахтакор колхозлар ва совхозлар билан бир қаторда минерал ўғит олиб турибдилар. Давлат сабзавоткорларнинг моддий манфаатдорлигини оширди.

Шундай қилиб, сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштиришни тобора тўхтовсиз кўпайтириш учун барча шароит яратилган.

Демак, гап қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоқларига муносабатни ўзгартиришда, ташкилотчилик ишларини тубдан яхшилашда, аҳолини сабзавот, картошка ва полиз экинлари маҳсулотлари билан таъминлаши лозим бўлган кишилар ўртасида масъулиятни ошириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашда қолган.

Сабзавот ва полиз экинлари экишни тезроқ тугаллаш, экинларни парвариш қилишни кескин яхшилаш, мўл ҳосил етиштираётган илғор сабзавоткор хўжаликларнинг тажрибасини оммалаштириш керак.

Наманган районидаги Тельман номли колхоз, масалан, бултур сабзавот экинларининг ҳар гектаридан ўртача 220 центнердан, Калинин районидаги «Ўзбекистон» колхози гектаридан икки юз центнерга яқин ҳосил олди.

Бу ва бошқа хўжаликларнинг тажрибаси ҳосилдорликни ошириш ва сабзавот экинлари ялпи ҳосилини кўпайтириш учун чинакам беқиёс имкониятларга эга эканлигимизни кўрсатиб турибди.

Бунинг устига республиканинг жанубий районларида бутун йил шароит бор. Бу йил Сурхондарё областида кишда экилган сабзавотдан ажойиб ҳосил олинди. Ўзбекистон ССР Госплани, маҳсулот етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Сурхондарё область партия комитети ва область ижроия комитети бутун йил бўйи сабзавот етиштириш ҳақидаги кенг таклифларни ишлаб чиқишлари керак.

Биз сабзавот, картошка ва полиз экинлари маҳсулоти етиштиришда етти йилликнинг контроль рақамларидан ўзиб кетиш учун барча чораларни кўришимиз зарур.

Мева ва узум етиштиришни кўпайтиришда ҳам мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланаётганимиз йўқ.

Гарчи 1961 йилда об-ҳаво жуда қулай келган 1959 йилдагига нисбатан кўпроқ мева ва узум етиштирилган. боғ ва токзорларни кенгайтирилган бўлсада, шунга қарамай биз, етти йилликнинг уч йили топшириқларини уддалай олмадик.

Боғдорчилик ва узумчилик учун жуда қулай бўлган ушбу йилда колхоз ва совхозларимиз мева ва узумдан мўл ҳосил олишлари, шундай қилиб, социалистик мажбуриятларини бажарибгина қолмай, ошириб бажаришлари, республикамиз меҳнаткашлари дастурхонини тўкин қилишлари, Москва, Ленинград, Урал, Сибирь ва мамлакатнинг бошқа саноат марказларига бу қимматли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етказиб беришлари мумкин.

Ҳосилни ҳисобга олишда, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва аҳолига сабзавот, картошка, қовунтарвуз, мева, резавор ва узум сотиш ишида тегишли тартиб ўрнатиш талаб қилинади.

Биз колхоз ва совхозларда, тайёрлаш ва савдо ташкилотларида сабзавот ва картошка сақланадиган омборлар қуриш ишларини қатъий суратда кучайтиришимиз керак.

Шонли лубкорларимиз бу йил жуда масъулиятли мажбуриятларни қабул қилганлар. Лубкорларимиз каноп етиштириш жиҳатидан контроль рақамларда етти йилликнинг охирги йилига белгиланган топшириқни ҳам ошириб бажардилар. Етти йилликнинг уч йили ичида луб экинлари пояси етиштириш бизда деярли 100 минг тонна кўпайди, ҳосилдор

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг охири

(Бошн 1, 2-бетда).

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги, «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси ва унинг жойлардаги органлари, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари ҳамма ўрим-йиғим техникасини, зарур транспорт воситаларини тезликда ишга солишлари, жуда қисқа муддатда — 15-20 июлдан кечиктирмай дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш учун бу механизмлардан кечаю кундуз унумли фойдаланилишини ташкил этишлари керак.

Умумиттифоқ миқёсида пилла етиштиришда Ўзбекистоннинг қандай ўрин тутганлиги маълум. Республика пилла соҳасидаги планларни йилдан-йилга бажариб келаётган бўлсада, етти йилликнинг уч йили контроль рақамларида кўрсатилганидан 258 тонна кам пилла топширди.

Бу йил республика пиллачилари давлатга 14750 тонна пилла сотиш мажбуриятини олганлар. Биз бу мажбуриятни баҳорги қурт боқиш ҳисобига бажариш имкониятига эга эдик. Бухоро ва Самарқанд областлари, шунингдек Андижон областининг Чинобод, Учқўрғон, Бўз, Уйчи, Янгиқўрғон, Ҳўжаобод ва Норин районлари, Фарғона областининг Поп, Фарғона, Марғилон районлари, Самарқанд областининг Каттақўрғон, Пастдарғом, Норпой ва Пахтакор районлари бу имкониятлардан жуда яхши фойдаланиб, социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Бухоро область пиллачиларининг чинакам меҳнат қаҳрамонлигини таъкидлаб ўтмай бўлмайди. Область пиллачилари маҳаллий уругдан очирилган қуртни жадал усулда боқиб, социалистик мажбуриятларини қисқа муддат ичида бажардилар, етти йилликнинг тўрт йили топширигини адо этдилар ва пилла етиштириш жиҳатидан етти йилликнинг охирги йилига мўлжалланган даражага етиб олдилар.

Бухоро пиллачиларига шон-шарафлар бўлсин! **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, республика Қишлоқ хўжалик министрлиги бухороликларнинг ипак қуртини жадал усулда боқиш тажрибасини чуқур ўрганишлари ва бу тажрибани ҳамма колхоз ва совхозларда кенг ёйишлари ҳамда жорий этишлари керак.

Ипак қурти боқиш давом этмоқда ва биз қурт боқишни муваффақиятли ўтказиш ҳамда пилла етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг ҳар бир областда сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришимиз лозим.

Бундан буён ҳам пилла етиштиришни узлуксиз кўпайтириш учун энг аввало мустаҳкам озуқа базаси яратиш, умумлашган тартибда қурт боқишни ташкил этиш учун қуртхоналар қуриш тўғрисида жон куйдиришимиз зарур.

Шу муносабат билан Сурхондарё ва Бухоро областларининг илғор хўжаликлари тажрибаси диққатга сазовордир. Бу хўжаликлар тутзорларни кўпайтиришни пахтачилик билан моҳирона қўшиб олиб бормоқдалар. Бундан ташқари республиканинг илғор хўжаликларида тут бутазорлари, шунингдек токзорларда шпалер ўрнида фойдаланиш учун тут ўтқазиш жорий қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши бу қимматли тажрибани умумлаштириб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ва республика ҳукуматига тегишли таклифларни тақдим этишлари керак.

Республика қурт уруғи заводларининг иши бизни мутлақо қониқтирмайди. Улар колхоз ва совхозларнинг қурт уруғига бўлган талабини қондирмаётир, бунинг устига сифатсиз уруғ чиқармоқдалар. Бу аҳвол шунинг учун юз бермоқдаки, пиллачилик бош бошқармаси ва область партия комитетлари қурт уруғи заводлари иши устидан тегишли контроль ўрнатмаганлар.

Уруғ заводларимизнинг ишини тубдан яхшилаш, колхоз ва совхозларнинг сифатли қурт уруғига бўлган талабини тўла қондириш имконини берадиган миқёсда янги корхоналар қуриш учун тегишли чораларни кўриш керак.

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИМО ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Докладчи чорвачилик масалаларига тўхталиб бундай дейди:

Ўртоқ Н. С. Хрушчев партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида қилган докладларида, Тошкент зона кенгашида сўзлаган нутқида диққат-эътиборимизни яна Ўрта Осиё республикалари чорвачиликни ривожлантириш учун қандай катта резервларга эга эканлигига қаратди.

«Ҳозирги вақтда, — деган эди Никита Сергеевич Тошкент зона кенгашида, — Ўрта Осиё республикаларида чорва маҳсулотлари бу ерда етиштириладиганидан кўра анча кўпроқ истеъмол қилинмоқда. Гўштни ва сут маҳсулотларини бу ерга мамлакатнинг бошқа районларидан келтиришга тўғри келяпти. Илғор колхозлар ва совхозларнинг тажрибаси кўрсатишича, пахтакор районларда чорвачилик маҳсулотларини шу ернинг ўзидаёқ етарли миқдорда етиштириш мумкин».

Пахта алмашлаб экишида суғориладиган ерлардан тўғри фойдаланиш пахта етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда ем-хашак етиштиришни ҳам анча кўпайтириш ва шу асосда чорвачилик маҳсулотларини мўл қилиш имконини беради.

Республикамизда чорвачиликни юксалтириш юзасидан сўнгги йилларда маълум ишлар қилинди. Барча категориядаги хўжаликларда 1961 йилда қорамоллар 1958 йилдагига нисбатан 15.4 процент, сигирлар 20 процент, чўчқалар 70 процент, колхоз ва совхозларда паррандалар деярли икки баравар кўпайди. Шу давр ичида гўшт етиштириш 9 процент, давлатга гўшт сотиш эса 39 процент, сут етиштириш 11 процент, давлатга сут сотиш эса 22 процент ошди.

Биз гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл тери тайёрлаш юзасидан етти йилликнинг уч йили топширқларини бажардик.

Бироқ, тўппа-тўғри шуни айтиш керакки, биз чорвачиликни ривожлантирмоқ учун бор имкониятлардан ҳали ҳам яхши фойдаланаётганимиз йўқ.

Гўшт етиштириш топширқларини Сурхондарё областининг колхоз ва совхозлари етти йилликнинг дастлабки уч йилида бажармадилар. Сут етиштириш соҳасида Тошкент областидан бошқа бironта область топширқини адо қилмади.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш суръатларини ошириш йўлида жуда қатъий чоралар кўриш керак.

Бу масъулиятли халқ хўжалик вазифасини амалга оширишда КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг белгилаб берган тадбирлари ғоят катта роль ўйнайди. Бу тадбирлар шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнаткашларга қарата яқинда қабул қилинган Мурожаатларда баён қилинди.

Маълумки, кўп хўжаликларимизда чорвачилик фойда келтириш ўрнига зарар келтирмоқда. Бу зарарни қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан ва аввало пахтачиликдан олинган даромадлар ҳисобига қоплашга тўғри келмоқда.

Шу сабабли партия ва ҳукумат гўшт, мол ёғи ва қаймоқни харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилиб, жуда доно иш қилдилар.

Эндиликда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтирмоқ, чорвачиликни қишлоқ хўжалигининг рентабел, даромадли тармоғига айлантирмоқ учун бутун шароит вужудга келтирилди.

Бутун мамлакат меҳнаткашлари каби республикамиз меҳнаткашлари ҳам партия ва ҳукуматнинг бу тадбирларини қизғин маъқулладилар. Колхозлар ва совхозлар гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар кўрмоқдалар.

Масалан, Оржоникидзе районидаги «Коммунизм» колхози бу йил давлатга яна 739 центнер гўшт, шу жумладан, 214 центнер мол гўшти ва 525 центнер чўчқа гўшти сотиши лозим. 1 июнга қадар амалда бўлган харид нархларига мувофиқ колхоз шу гўштни сотиш натижасида 55,8 минг сўм олган бўлур эди, янги нархлар билан колхоз сотган шу гўшти учун 83,7 минг сўм пул олади. Демак, колхознинг қўшимча даромади 28 минг сўм бўлади. Колхоз шу маблағ ҳисобига сигирхона қуришни ва «арча» типидаги сут соғадиган иккинчи аппаратни ишга солишни мўлжаллаб турибди. Келгуси йилда давлатга гўшт сотишни 400 центнер ва сут сотишни 600 центнер кўпайтиришга қарор қилинди.

Умуман республикада колхозлар ва совхозлар гўштнинг харид ва топшириш нархлари оширилганлиги натижасида ўзлари оладиган даромадларига қўшимча йилига 27 миллион сўмдан кўпроқ пул олдилар.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари ҳамма хўжаликларнинг ҳозирги вақтда вужудга келган янги имкониятларини ҳисобга олиб, гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг конкрет планини ишлаб чиқишларига ёрдам беришлари керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатида уқтириб ўтилганидек, гўшт етиштиришда биринчи маррага эришиш, яъни ҳайдалиган ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда 75 центнер ва бошқа яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда 16 центнер гўшт етиштириш вазифасини ҳал қилишни мана шу планга асос қилиб олиш лозим. Шу даражага эришган хўжаликлар эса иккинчи, учинчи маррага эришишга ҳаракат қилиб, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 100-150 центнер гўшт етиштиради ва ҳ. к. лозим.

Гўшт етиштириш топширқларини Сурхондарё областининг колхоз ва совхозлари етти йилликнинг дастлабки уч йилида бажармадилар. Сут етиштириш соҳасида Тошкент областидан бошқа бironта область топширқини адо қилмади.

1962 йилда республикадаги хўжаликларнинг ҳамма категориялари бўйича 195 минг тонна (сўйилган вазнда) гўшт, 1 миллион тонна сут, 565 миллион дона тухум, 23,6 минг тонна жун етиштиришга қарор қилинди.

«Политотдел». Янгийўл районидаги «Ленинизм» ва Хрушчев номли, «Полярная звезда» колхозлари, 1- «Боёвут», 4- «Вревский», Ильич номли, «Ҳазорбоғ», «Совой» совхозлари ва бошқа шулар каби илғор хўжаликлар чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш соҳасида етти йиллик топширқларини ва бу йилги социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар.

Сут соғувчилардан А. Чудная, Д. Эргашева, Роза Квон, Зуҳра Комилова, Умет Аметов, чўпонлардан Умеков, Буматов, Умрзоқов, чўчқабоқарлардан Султонов, Яроцкая, Кобзев ва бошқа кўпгина илғор чорвадорлар ўзларининг яхши кўрсаткичлари билан Ватанни хурсанд қилдилар.

Илғор хўжаликлар ва энг яхши чорвадорлар шундай муваффақиятларни қўлга киритаётган бир вақтда кўпгина колхозларимиз ва совхозларимизнинг орқада қолаётганлиги айниқса хунук бўлиб кўринмоқда.

Аслини олганда бизда давлатга гўшт ва сут топширмаётган хўжаликлар ва районлар ҳам бор.

Дарҳақиқат, масалан Охунбобоев районидаги «Ўзбекистон» колхозини олиб кўринг (раиси ўртоқ Акбаров). 20 июнгача бу колхоз давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини атиги 25 процент бажарди. Ургут районидаги Ленин номли колхоз (раиси ўртоқ Сафаров) гўшт сотиш планини 20 процентга етар-етмас бажарди. Шўрчи районидаги «Ўзбекистон» колхози (раиси ўртоқ Шоймардонов) гўшт сотиш ярим йиллик планини 12 процент, сут сотиш планини эса 15 процент адо этди.

Гўшт ва сут сотиш планини бажармаётган районларни ҳам айтиб ўтаман. Гўшт сотиш ярим йиллик планини Зомин райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Солихбоев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Холиқназаров) 20 июнга қадар атиги 54 процент бажарди. Қўнғирот райони (Сеитмуродов ва Телемуродов ўртоқлар) 70 процент, Шаҳрисабз райони (Сирожиддинов ва Чориев ўртоқлар) 76 процент, Янгиер райони (Исломов ва Каримов ўртоқлар) 81 процент, Урганч райони (Ғойибов ва Матчонова ўртоқлар) 87 процент бажарди. Сут сотиш ярим йиллик планини Охунбобоев райони (Тоштемиров ва Дадажонов ўртоқлар) 40 процент, Олтинкўл райони (Каримова ва Ҳакимов ўртоқлар) 40 процент, Норпой райони (Жамолиддинов ва Тошев ўртоқлар) 44 процент. Бухоро райони (Давидянц ва Мўминов ўртоқлар) 55 процент бажарди.

Бу хўжалик ва районларнинг раҳбарлари партиянинг халқ моддий фаровонлигини янада ошириш соҳасида қўйган вазифаларини бажариш учун яхши курашмаётирлар.

Докладчи бир қанча хўжаликларда чорва молларнинг маҳсулдорлиги кам эканлигини, жамоат чорва молларини кўпайтириш ишида катта камчиликлар борлигини, чорва молларнинг нобуд бўлиши, жамоат чорва моллари орасида сигирларнинг камлиги сингари тоқат қилиб бўлмайдиган фактлар рўй бераётганлигини айтиб сўнгра бундай деди:

— Чорва моллар сонини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятларнинг ҳеч сўзсиз бажарилиши учун ҳамма чораларни кўришимиз лозим.

Ҳар бир колхоз ва совхозда чорвачилик қандай аҳволда эканлигини текшириб чиқиш, чорва моллари кўлда ва яйловда боқиб семиртиришни яхшилаш зарур. Шу билан бирга, аҳолидан гўшт ва сут харид қилишни кучайтириш керак.

Гўшт ва сут етиштириш ҳамда уни давлатга сотиш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун колхоз раислари, совхоз директорлари, ферма мудирлари, район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, территориал бошқармаларнинг раҳбарлари ва уларнинг ташкилотчи инспекторлари зиммасидаги масъулиятни ошириш керак.

Чорвачилик фермаларини ишнинг кўзини яхши биладиган мутахассислар, кобилиятли ташкилотчилар билан мустаҳкамлаш лозим. Ўрта мактабни тамомлаб чиқаётган комсомол қизларни сутчилик фермаларига юбориш сингари жуда яхши традицияни давом эттириш керак.

Ем-хашакни кўпайтириш чорвачиликдаги асосий вазифа бўлиб келди ва асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Ўртоқ Н. С. Хрушчев ем-хашак бўлса гўшт ҳам, сут ҳам бўлади деб жуда ҳақ гапни айтди.

Республикада чорвачилик учун ем-хашак базаси вужудга келтириш соҳасида бир талай иш қилинди. Маккажўхори ва оқжўхори экишни кенгайтириш ва бу экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш йўли билан ем-хашак айниқса кўпайтирилди. Бу йил колхозларимиз ва совхозларимизнинг деярли ҳаммаси канд лавлаги, нўхат, вика, соя сингари яхши озуқа бўладиган экинларни ҳам эқдилар. Илғор хўжаликларда маккажўхори, оқжўхори ва бошқа ем-хашак экинлари жуда яхши ўсмоқда, улардан мўл ҳосил олиш кутилади.

Бироқ кўпгина колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ем-хашакни мўл қилмай туриб, гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмаслигини, мана шу оддий ҳақиқатни шу вақтгача тушуниб олганлари йўқ. Фақат шу хўжаликлар раҳбарларининг айби билан республикада маккажўхори, оқжўхори, канд лавлаги ва бошқа ем-хашак экинларини экиш плани ҳалигача бажарилгани йўқ. Кўп хўжаликларда мана шу экинларни парвариш қилиш бутунлай қониқарсиз бормоқда ва экинлар каровсиз қолиб кетмоқда.

Бу ишда йўл қўйилган камчиликларни тузатиб олишимиз учун ҳали ҳам вақт бор. Ем-хашак экинлари экиш планини яқин кунлар ичида тўла бажариш, экинларни парвариш қилишни кучайтириш чораларини кўриш, суғоришга, озиқлантиришга, шу экинлардан мўл ҳосил олмоқ учун уларни ишлаш сифатини оширишга алоҳида эътибор бериш керак. Имкон бўлган жойларда бу экинларни иккинчи марта экиб ҳосил олиш зарур. Бизнинг шароитимизда маккажўхори ва оқжўхоридан бемалол икки марта ҳосил олса бўлади. Биз экиш плянини бажармоқ учун ҳамма чораларни кўришимиз лозим.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев пахтачилик хўжаликларида нўхат экишга катта эътибор бермоқда.

Бошқа дуккакли экинлар сингари нўхат ҳам одамлар учун яхши озиқ-овқат бўлиши билан бирга, чорва моллар учун ҳам жуда яхши ем-хашак бўлади. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сўзи билан айтганда нўхат ҳаводаги азотни олиб тўплаб берадиган бамисоли бир фабрикадир. Далаларнинг унумдорлигини ошириш учун эса азотнинг аҳамияти жуда катта.

Чорва молларнинг озуқа рационига нўхатни киритиш ем-хашакнинг берадиган самарасини оширади, чорвачилик маҳсулоти бирлигини ҳосил қилмоқ учун сарфланадиган ем-хашакни анча камайтиришга имкон беради. Бир килограмм нўхат донида хазм бўладиган икки юз грамм протеин бор. Яъни нўхатнинг бир килограммидаги протеин арпанинг бир килограммидаги протеиндан икки ярим баравар кўпдир.

«Политотдел», «Полярная звезда», Қува районидаги «Коммунизм» колхозлари, Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз ва бошқа илғор хўжаликлар нўхатнинг аҳамиятини жуда яхши тушуниб, уни барвақт эқдилар, яхши ҳосил етиштириб, ҳозир ўриб-йиғиб олмоқдалар.

Масалан: Люба Ли бошчилигидаги бригада нўхатни февраль ойидаёқ экиб бўлган эди, у ҳозир ҳосилини ўриб-йиғиб бўлди ва гектар бошига 30-35 центнерча дон, 70 центнердан зиёдроқ қуруқ похол олди. Нўхатдан бўшаган ерларга яқинда маккажўхори экилади.

Маккажўхори, оқжўхори, канд лавлаги, нўхат ва бошқа дуккакли экинлар шундай мустаҳкам негиздирки, биз чорвачилик учун керакли ем-хашакни мана шу негизда мўл-кўл қилишимиз мумкин ва лозим!

Чамамда, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ва Қишлоқ хўжалик министрлигига суғориладиган ҳамда лалми ерларда нўхат етиштириш тажрибасини умумлаштириш, нўхат экишни янада ривожлантириш тўғрисидаги, колхоз, совхозларимизнинг экин майдонлари структурасида нўхатнинг қандай ўрин олиши тўғрисидаги таклифларни партия Марказий Комитетига ва республика Министрлар Советига киритишни топшириш керак.

Яқин кунларда маккажўхори ва оқжўхорини ўриб-йиғиб олиш бошланади. Колхозлар ва совхозлар бу қизғин ишга ва силос бостиришга яхши тайёрланишлари ва шу тарика камида беш миллион аллик минг тонна юқори сифатли силос бостириш тўғрисида олинган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашлари лозим.

Беда тайёрлаш ва табиий пичанзорларда хашак тайёрлаш ишларини кучайтиришимиз, бу ишда сусткашликка йўл қўймаслигимиз керак. Бу ишда сусткашликка йўл қўйиладиган бўлса, ем-хашак кўп нобуд бўлиши мумкин.

Беда яхши парвариш қилиниб, ўз вақтида ўриб олинаётганлиги, табиий пичанзорларда ҳосилнинг мўллиги бу йил дағал хашак тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятни бажаришгина эмас, балки анча ошириб бажаришимизга ҳам имкон беради.

Ўз-ўзидан маълумки, фермаларда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни кенг равишда механизациялаштирмай туриб, арзон чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб бўлмайди. Аммо, республикамизда бу иш ҳали кўнгилдагидек эмас. Фермалардаги ишларнинг деярли ҳаммаси ҳалигача қўлда бажарилмоқда, чорвачиликдаги ишларни механизациялашни ривождантириш топшириғига эса жуда қониқарсиз бажарилмоқда.

Партия ташкилотлари чорвачиликдаги ишларни механизациялаш'даги консерватизмга, қолоқликка қатъиян хотима беришлари, техникани жорий қилиш ва ўзлаштиришни, механизмлардан юксак даражада унумли фойдалана оладиган кадрларни тайёрлашни ўз қўлларига олишлари лозим. Шундагина биз қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини сўзда эмас, балки амалда ошириш бўламиз ва чинакам арзон маҳсулот оладиган бўлиб қоламиз.

Ҳозирги вақтда партия ва ҳукумат жамоат чорвачилигини кескин юксалтирмоқ учун бутун шароитни яратиб бердилар. Ишчилар, хизматчилар, совет зиёлилари, — дейилади КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатида, — ҳатто ўзларининг оилавий бюджетларидаги пулнинг бир қисмини ажратиб беришга ва қишлоқ хўжалигига ёрдамни кўпайтиришга рози бўлдилар.

Лекин, гўштни харид қилиш нархлари оширилган, машиналар, ёнилғи, запас қисмларининг нархлари камайтирилган ҳозирги вақтда чорвачилик алоҳида куч сарф қилинмаса ҳам ўз-ўзидан ривожланиб кетади деб ўйлаш чуқур хатога йўл қўйиш бўлур эди. Мурожаатда уқтириб ўтилганидек бундай кайфиятлар колхозларга жиддий зарар етказиши, қишлоқ хўжалик соҳасида партия томонидан қўйилган жуда муҳим вазифаларнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Агар колхозлар ва совхозлар берилаётган ёрдамдан оқилона фойдалана олмасалар, агар улар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг резервларини тез ишга солмасалар буни халқ кечирмайди.

Қишлоқ меҳнаткашларининг гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун олиб бораётган кураши самараларини халқ бу йилнинг ўзидаёқ сезиши учун биз бу ишга бутун кучимизни, бутун ғайратимизни сарфлашимиз лозим.

ХЎЖАЛИКНИ ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБА АСОСИДА ОҚИЛОНА ВА ТЕЖАМЛИ БОШҚАРАЙЛИК

Колхозчилар, совхоз ишчилари ва мутахассисларнинг жамоат чорвачилигини ривожлантириш, меҳнат ва маблағларни энг кам сарф қилган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни максимал даражада кўпайтиришдаги моддий манфаатдорлигини ошириш, — деб сўзини давом эттирди докладчи. — қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Бизнинг партиямиз, унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитети моддий манфаатдорликнинг ленинча принципини сабот-матонат ва изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Бу соҳада бизнинг республикамизда ҳам баъзи ишлар қилинди. Колхоз ва совхозларда хўжалик ҳисобига, меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив формаларини жорий қилишга катта эътибор берила бошлади. Кўпгина машъалларимиз хўжаликни оқилона бошқариб фан ютуқлари ва илғор тажрибадан ўз ишларида кенг фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини систематик суратда оширмоқдалар ва тобора кўп миқдорда арзон пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Масалан, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозида комплекс механизацияни дадил жорий қилмоқдалар ва бир центнер пахта етиштириш учун меҳнат сарфини 4.2 иш кунигача қисқартишга эришдилар, «Малик» совхозида эса ишлаб чиқариш процессларининг деярли ҳаммаси машиналар ёрдами билан бажарилиб, бир центнер пахта етиштириш учун меҳнат сарфини 2.2 иш кунига келтирдилар. Ўтган йили «Малик» совхозида бир центнер пахта 14 сўм 35 тийинга тушди, қолбуки Тошкент областидаги совхозларда бир центнер пахта ўрта ҳисобда 23 сўм 30 тийинга тушган эди.

«Совой» совхозида ҳам ишлаб чиқариш ва иқтисодий жиҳатдан яхши натижаларга эришилди. Бу совхозда прогрессив технология ва комплекс механизациянинг кенг жорий қилиниши натижасида етти йилдикнинг уч йили мобайнида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 6 центнер ошди ва маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатлар 30 процентдан зиёд камайди. 1961 йилда бир центнер пахтанинг таннархи 15 сўм 38 тийин бўлди.

«Ҳазорбоғ» совхозида бир центнер сутнинг таннархи 12 сўм 48 тийин бўлди. Бу, биз эришмоғимиз лозим бўлган энг яхши кўрсаткичлардан ҳали кам бўлишига қарамай, республикадаги бошқа совхозларда етиштирилаётганига нисбатан энг арзон сутдир.

Аммо республикадаги колхоз ва совхозлар етти йиллик планнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтириш ҳақидаги топшириқларини ҳали тўла бажармаётирлар.

Бизда пахта ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун ҳали жуда кўп меҳнат сарф қилинмоқда. Бунга аввало, сабаб шуки, кўпгина колхоз ва совхозлар пахта, маккажўхори ва бошқа экинлардан кам ҳосил олмоқдалар, чорва моллар маҳсулдорлиги ҳали паст даражада, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш яратиб бераётган катта имкониятлардан фойдаланимаётир, ҳар бир жойнинг ўзида ем-хашак базасини вужудга келтиришга ҳаракат қилинмаётир ва шу сабабли улар чорва молларга ем-хашак сотиб олиш учун жуда кўп маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқдалар.

Колхозларда идора аппаратининг жуда катталиги ҳам маҳсулотнинг таннархини ошириб юборишга сабаб бўлмоқда.

Республика партия ташкилоти бу йил колхоз ва совхозларда идора аппаратини қисқартириш соҳасида бирмунча иш қилди. 15 мингга яқин штат единицаси қисқартирилди. Бунинг натижасида хўжаликлар 9 миллион 400 минг сўмни тежадилар. Аммо бу, ишнинг бошлангичи холос. Биз колхоз ва совхозларда идора аппаратини қисқартириш соҳасидаги ишни давом эттиришимиз керак, чунки бу чора эгасизликни тугатиш, раҳбарлик аппаратини арзонлаштириш ва такомиллаштиришни ва қишлоқ хўжалигида ташкилотчилик ишларини тубдан яхшилашни таъминлайди.

Шуни айтиш керакки, колхозларга намуна кўрсатиш лозим бўлган совхозларимизда ҳам хўжалик тежаб-тергаб бошқарилмаётир, ҳаддан ташқари ортиқча харажатларга, нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида совхозларнинг кўпида молия-иқтисодий кўрсаткичлар қўнгилдагидек эмас.

Шуни яхши тушуниб олиш керакки, моддий жиҳатдан рағбатлантириш даражаси колхоз ва совхозлардаги иқтисодий ишларнинг аҳволига боғлиқдир. Даромадлар кўп бўлса, жамоат хўжалиги яхши ривожланади, колхозчилар ва совхоз ишчилари кўпроқ ҳақ оладиган бўладилар, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан уларнинг моддий манфаатдорлиги орта боради.

Биз колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг мунтазам ва самарали системасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун тавсия этдик. Эндиликда гап бу системани ҳамма жойда ва тўғри жорий қилишда қолган.

Биз идора аппарати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда ҳам зарур тартиб ўрнатишимиз керак. Омбор мудирлари, қоровуллар моддий неъматни бевосита ишлаб чиқарувчи колхозчилар ва совхоз ишчиларидан кўпроқ ҳақ олишлари каби холатга бундан буён тоқат қилиб бўлмайди. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда одамларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш негизига путур етказади.

Қишлоқ хўжалик артели Уставининг буғилишига қарши, колхоз мулкини ўғирлаш ва талон-торож қилишга, растраталарга, порахўрликка қарши ва республикадаги айрим колхозларда ҳали ҳам рўй бераётган бошқа ярамас ҳолларга қарши кураш олиб бориш — колхозларнинг жамоат хўжалигини янада мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг моддий фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эгадир.

Ана шундай ярамас ҳолларнинг рўй бераётганлигига сабаб шуки, бизда колхозларнинг раҳбар кадрларини танлашга кўпинча юзаки қаралмоқда, ревизия ишлари ёмон қўйилган. Молия-хўжалик фаолияти мунтазам суратда ревизия қилинмаётир ва айрим жойларда ревизия сифатсиз ўтказилмоқда. Баъзи колхозларнинг раҳбарлари колхоз ишларини бошқаришнинг демократик асослари билан ҳисоблашмаётирлар.

Қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилиши, халқ мулкининг талон-торож қилиниши каби ярамас ҳолларга хотима бериш, колхоз демократияси асосларига қаттиқ риоя қилинишини таъминлаш пайти келган.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш, социалистик мажбуриятларимизни бажариш бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ишларини кучайтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Барча область, шаҳар ва район партия комитетлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг талабларига амал қилиб, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига эътиборни кучайтиришлари лозим. Биз шунга эришмоғимиз керакки, бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир бригада, ҳар бир ферма, ҳар бир ишлаб чиқариш участкасининг ишини доим назорат қилиб турсинлар, улар ишлаб чиқаришнинг ҳақиқатан ҳам жон-тани бўлсинлар. Коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлик ролига колхоз ёки совхознинг давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганлигига қараб баҳо бериш керак.

Сиёсий ишларимизни бутун чоралар билан кучайтириш зарур. Республикадаги кўпгина партия ташкилотлари КПСС XXII съезднинг қарорларини ва партия Программасининг талабларини амалга ошира бориб, меҳнаткашлар ўртасида агитация-пропаганда ва маданий-оқартув ишларини моҳирлик билан олиб бормоқдалар.

Аммо шуни ҳам эътироф этиш керакки, бизда ана шу катта ва муҳим ишда жиддий камчиликлар ҳали жуда кўп. Баъзи жойларда агитация-пропаганда ва маданий-оқартув ишлари эътибордан бутунлай четда қолган.

Қишлоқларда бутун идеология ишини тубдан яхшилаш, бу ишнинг доираси ва таъсирини кенгайтириш, бу ишларни ҳақиқатан ҳам большевикча кенг миқёсда ташкил этиш керак. Бу иш бир мақсадни кўзда тутиб, мунтазам суратда олиб борилиши, аҳолининг ҳамма табақаларини ўз ичига олиши, конкрет ва таъсирчан қилиб уюштирилиши керак.

Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Мурожаатларининг маъноси ва аҳамиятини ҳар бир меҳнаткашнинг онгига сингириш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг бутун куч-ғайратини шу йилнинг ўзидаёқ ва келгуси йилларда барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга сафарбар қилиш жуда муҳим ишдир. Бу муҳим ишда раҳбар кадрларимизнинг ҳаммаси бевосита иштирок этмоғи керак.

Идеология ишида ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга доим эътибор бериш лозим. КПСС Марказий Комитети бу ишга жуда катта эътибор бермоқда. Маълумки, июнь ойининг ўрталарида КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси кенгаш ўтказди. Бу кенгашда мактабни қайта қуриш соҳасида бажарилган ишларнинг якунлари тўпланди, ўқув процессини янада такомиллаштириш, ёш авлодга сиёсий тарбия беришни кучайтириш, партия ташкилотларининг мактабларга раҳбарлигини яхшилаш чоралари белгиланди.

25 июнда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси бўлади. Мактабни қайта қуриш билан боғлиқ бўлган масалалар бу сессияда ҳам муҳокама қилинади.

Мактабларда ўқув процессини такомиллаштириш, болаларни меҳнатга ва ҳаётга тайёрлаш, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш иши — бутун республика партия ташкилотининг ишидир.

Санъат — идеология ишимизнинг энг муҳим соҳаларидан биридир.

Яқинда Москвада Совет Ўзбекистони санъати усталарининг концерт ҳафтаси ўтказилди. Бизнинг артистларимиз Кремлнинг Съездлар саройида концерт бердилар.

Биринчи концертда ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигида партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Улар барча совет халқлари қардошлик онласининг бирлиги туйғуси билан, социалистик интернационализм руҳи билан суғорилган концерт программасига юксак баҳо бердилар.

Горький номли театр коллективининг Москвада, Ҳамза номли театр коллективининг Душанбада, Навоий номли театр коллективининг Оренбургда кўрсатаётган томошалари ғоят муваффақиятли ўтмоқда.

Бошқа ҳамма қардош республикалар каби Совет Ўзбекистони санъатининг ҳам юксалаётганлиги ленинча миллий сиёсатнинг тантанасини, партиянинг мамлакатимиздаги барча халқлар маданиятини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигини исбот этувчи ёрқин далилдир.

Биз социалистик санъатимизни тобора юксалтириш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўришимиз лозим.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнаткашларга, шу жумладан колхозчилар ва совхоз ишчиларига маиший хизм

АНДИЖОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ

ТЕАТР

„НОДИРА“

Шу кунларда Тошкентга гастроль билан келган Охунбобоев номли Андижон ўзбек давлат музикали драма ва комедия театри кўрсатаётган спектакллар катта муваффақият билан ўтмоқда. Театрнинг гастроль репертуарига киритилган асарлари орасида «Нодира» спектакли, айниқса, юксак талабчан пойтахт тамошабинларига маъқул ва манзур бўлмоқда. Андижонлик ёш драматург Ҳошимжон Раззоқов томонидан қаламга олиниб, театрнинг бақуввт ижодий коллективи муваффақиятли саҳналаштирган «Нодира» спектаклининг қизғин кутиб олиниши бечиз эмас, албатта. Ўзбек юртининг ажойиб фарзанди Нодира ўзининг ақлу идроки, донишмандлиги, забардаст шеърий истеъдоди ва баркамол инсоний фазилатлари билан ўзбек маданияти тарихида чуқур из қолдирган оригинал ва нуроний сиймолардан биридир.

Нодира образининг тасвирида ёзувчи ҳам, постановкачи (республика халқ артисти А. Бакиров), ҳам асосан реал тарихий воқеаларга мурожаат этиб, ўша тарихий фактларнинг мазмун ва моҳиятини бузмасдан, ўз аслича саҳнатили билан баён қилишга интилганлар.

Авторнинг Нодира образидан кузатган ният ва гоялари рўй-рост гавдаланиб тамошабин онгига тўғри йўл топувда ролни ижро этган Ўзбекистон ССР халқ артисти Қамара Бурнашеванинг ижодий меҳнати ва хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Қ. Бурнашева ижросида Нодиранинг кўп қиррали фаолияти, ажойиб одамий хислат ва фазилатлари спектакль давомида динамик тарзда, воқеаларнинг мазмуни ва характерига монанд ҳолда поэма-поя намоён бўла боради. Актриса саҳнада қиладиган ҳар бир катта ва кичик ҳаракатларида, сўзлаш интонацияси, кўз қарашлари ва сўзсиз имо-ишораларида Нодирага хос бўлган яхши инсоний хусусиятлар сайқал топа боради. Қамара ўша хислатларга ўзига хос нафис маҳорат билан ҳаётий жило беради. Шунинг учун ҳам спектаклнинг аввалидан то охирига қадар тамошабин қалбида Нодирага нисбатан қизғин муҳаббат туйғулари сақланиб қолади.

Ўтмишда ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан маданият арбоблари орасида мўътабар ўринни ишғол этган забардаст сиймолардан бири саналган Увайсий нозик бадиий таъби, шеърдаги қудрати, тийран ақли, фикр ва мулоҳазалари билан Нодиранинг сиёсий ва маданий фаолиятида ҳамфикр, ҳамнафас, ҳамқадам ва унинг мушкул аҳволи, изтиробли дамларида ҳамдард бўлади. Увайсий ролини ижро этган артист Г. Қосимова шу образнинг бой ва рангоранг маънавий оламини намоён қилишда анчагина муваффақиятларга эришган. У образнинг руҳига кириб, Увайсий шахсиятига хос характер белгиларини жонли ва динамик тарзда ифодалашга интилади.

Асардаги Маъдалихон тарихий шахс. Нодиранинг ўғли, Қўқон тахтининг эгаси. Драматург тасвиридаги Маъдалихон (аслида ҳам шундай бўлган) ҳукмрон синфнинг вакили сифатида, ўша табақага хос маънавий пастлик, разолат, қаҳоҳат, риё ва бузуқликларнинг тимсоли. У маишат, қайфу сафо ва ўз нафсининг асири. Иродасиз ва калтафаҳм Маъдалихон ўз атрофини ўраган хушомадгўй, маккор сарой арбобларининг макрига учади ҳатто ўз онаси Нодирага қўл кўтариб, отасининг энагаси Увайсийдек муътабар зотни қаттиқ ҳақорат қилади. Маъдалихон Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Юнусов ижросида анча муваффақиятли чиққан. Артист феодал ҳукмдорига хос салбий характер белгилари, унинг хатти-ҳаракатларини ишонарли қилиб кўрсатишга ижодий ёндошган. Лекин ҳали бу ролнинг ўзига хос ички ва ташқи хусусиятларини тўлиқ очишда артист ҳам, режиссёр ҳам ижодий изланишни изчиллик билан давом эттиришлари зарур.

Драмадаги оддий халқ вакиллари — Розиқ ва Ойпарчанинг ҳаётий драмаси ва тақдири асардаги воқеалар омили ва унга сингдирилган ғоявий мундарижанинг марказий чизиқларидан бирини ташкил этади. Вафо ва садоқат билан йўғирилган бу икки тоза қалбнинг мусаффо севгиси ва унинг фожиали тақдири спектаклга ишонарли реалистик ранг беради.

Оддий боғбон қизи Ойпарча ролини ўйнаган ёш актриса М. Убайдуллаева бу образнинг оғир, мураккаб ва ғоятда машаққатли ҳаёт драмаси, маънавий дунёси, сабот ва матонати, ўз инсоний шарафи, or-номуси, севгилисига етишишидаги қудратли иродаси, жўръатли ва исёнкор руҳини ўзига хос санъаткорона маҳорат билан ифодалашга эриша олган. Шунингдек, асарда қаламга олинган меҳнаткаш халқ фарзандлари Маҳмуд (республикада хизмат кўрсатган артист А. Иброҳимов), Розиқ (артист Исомуддинов), Норчамерган (артист Ҳ. Сатторов) ва Умрзоқ (артист М. Аҳмаджонов) каби персонажлар истеъдодли артистларнинг қунт билан қилган ижодий интилиш ва изланишлари натижасида жонли ҳаётий образлар даражасига кўтарила олганки, бу ҳолат ўз ўрнида асардаги воқеаларни яхлитлаштириш, етакчи қаҳрамонлар ва автор ғоясининг бор ҳомати билан яққол намоён бўлишига ёр дам берган.

Зулм, истибдод ва жаҳолат тимсоли, Шарқнинг типик феодал ҳукмдори, мислсиз ваҳшийлик билан тарихда ёмон ном қолдирган Амир Насрулло ролини ижро этган республикада хизмат кўрсатган артист Н. Муродовнинг моҳир санъати ўзининг ёрқин ифодасини тополган.

Асарда Маъдалихондан кейин хонликда энг юқори мавқени эгаллаган бош вазир Қораҳўжа (артист Х. Олимжонов) ва Шайхулистон (артист Н. Хўжаев) образлари, фикримизча, авторнинг тал қинида ҳам, артистларнинг ижросида ҳам у қадар пишиб етилмаган. Нечунки, хонлик салтанатнинг таянчи бўлган бу образларнинг ўзбек халқи тарихи ва тақдирлари манфур, жирканч ва ўта салбий хатти-ҳаракатлари кескин фош қилувчи типик характер белгилари воситасида рўйи-рост кўрсатилиши зарур эди.

Драманинг яхши ғоявий-бадиий хислати шундаки, асардаги воқеаларнинг ечими, гарчанд, фожиали тарзда тугалланса-да, лекин унда қайноқ ҳаётий оптимистик руҳ англашилиб туради. Ўз ўрнида бу ҳолат катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Чунки биз спектаклни кўрганда, феодал ўтмишда инсон эрки, бахти, фаровонлиги ва умуман ақлу инсоф ғоялари учун кураш нақадар мушкул бўлганлигини аниқ ҳис қиламиз.

Спектаклнинг жозибали, эмоционал ва тийран мазмундор чиқишида асарнинг музикасини ёзган талантли бастакорлар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист К. Жабборов ва ёш композитор С. Ҳайитбоевларнинг ижодий меҳнати алоҳида тақдирга сазовордир. Асосан халқ куйлари ва шунингдек классик мусиқий меросдан ижодий фойдаланиб ёзилган куйлар асардаги воқеаларнинг оқими, характери, персонажлар маънавий ҳолати ва кайфиятларига жуда усталик билан уйғунлаштирилган.

Аммо, спектаклнинг янада юксак бадиий савияга кўтарилишига ҳалақит бераётган айрим нуқсон ва камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Драматург ҳали асарнинг бадиий тили ва поэтик услуби устида жиддий ишлаши, унинг янада ихчам, кўркам ва мазмундор бўлишига эришуви керак. Чунки асарнинг кўпгина ўринларида хом, пишиб етилмаган ибора, ифода ва жумлалар, декоратив характердаги монолог ва диалоглар, ария текстларида классик лирикага ожизона тақлид ва ўхшатмалар тез-тез учраб туради.

Айрим артистларнинг ижросида эса сунъий муболаға, ортиқча кучланишлар мавжуд, декорациялардаги кўпинча бир хиллик спектаклнинг янада таъсирчан чиқишига ҳалақит берган. Баъзи кўринишлардаги рақсларнинг ижросида серзавқ ҳарорат, шўхчанглик ўрнига қандайдир суст кашлик, лоқайдлик сезилиб туради.

Автор, постановкачи ва ижрочилар коллективи мана шу мулоҳазалар устида жиддий ўйлаб кўр салар, шубҳасизки, «Нодира» спектаклининг келгусида узоқ умрли саҳна асарлари қаторидан ўрин олиши турган гап.

Муҳсин ЗОКИРОВ,
филология фанлари кандидати.

Суратда: спектаклдан бир кўриниш: ўнгда Нодира — ЎзССР халқ артисти Қ. Бурнашева, Увайсий — артист Г. Қосимова.
А. Тўраев фотоси.

Чет элларда нима гап

„Коммунизм — асл мақсадимиз“

СОФИЯ, 21 июнь. (ТАСС). Болгария матбуоти ва радиоси Н. С. Хрушчев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг Руминияда бўлишини муфассал ёритмоқда. Болгария меҳнаткашлари Совет Иттифоқи вакилларининг қардош румин халқи билан учрашувларига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Болгарияннинг бугунги газеталари «Социализм ва коммунизм қуриш — халқларимизнинг асл мақсади», «Социалистик мамлакатлар ҳар қандай агрессорни жиловлаб қўйишга қодирдирлар», «Социализм мамлакатлари улуғ мақсад — коммунизм сари ишонч билан бормоқдалар» деган катта сарлавҳалар остида Н. С. Хрушчевнинг Бухарестдаги «Қизил гривица» заводида сўзлаган нутқини ва совет партия-ҳукумат делегациясининг Руминия бўйлаб сафари ҳақидаги ҳисоботларни босиб чиқардилар.

ЕР ОСТИДА ЯНА ЯДРО ПОРТЛАТИЛДИ

ВАШИНГТОН, 21 июнь. (ТАСС). Бугун Невада штатидаги синаш полигонида ер остида яна ядро қуроли портлатилди.

Атом энергияси бўйича комиссия хабар қиладики, бу — ерости ядро синовларининг ҳозирги сериясидан 38-портлатишдир.

УНУТИЛМАС КУНЛАР

БУХАРЕСТ, 21 июнь. (ТАСС). Аджерпресс агентлиги хабар қилади: Руминияннинг ҳамма газеталари «Совет меҳмонлари нефтьхимия кўргонида самимий кутиб олинди», «Бакэу областининг меҳнаткашлари ҳурматли совет меҳмонларини қизғин кутиб олдилар», «Унутилмас кун» деган катта сарлавҳалар остида Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг ва Руминия раҳбарларининг янги саноат маркази Онешть-Борзештга борганликларини батафсил ёритмоқдалар. Бухарест газеталарининг махсус мухбирлари махсус поезд Борзешть станциясига боргунча бутун йўл мобайнидаги станцияларда совет меҳмонларининг қизғин кутиб олинганликлари ҳақида батафсил ҳикоя қилмоқдалар.

Совет делегациясининг мамлакат бўйлаб сафари, деб ёзади «Скинтейя» газетаси, оташин қардошларча дўстлик вазиятида ўтмоқда. Руминия меҳнаткашлари деб таъкидлайди «Мунка» газетаси, ҳурматли совет меҳмонларини бутун йўл бўйи: «Хуш келибсиз», «Қадамингизга хасанот» деган традицион табрик сўзлари билан кутиб олмоқдалар.

БРАЗИЛИЯ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ЕР УЧУН КУРАШИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 21 июнь. (ТАСС). Гояс штатида деҳқонларнинг ер учун шиддатли кураши давом этмоқда. Маҳаллий матбуотда эълон қилинган полиция ахборотида айтилишича, деҳқонлар билан латифундиячилар ва уларнинг малайлари ўртасида Санто-Антонио ва Серринья районларида бўлган қуролли тўқнашувларда юздан ортиқ одам ўлдирилган, Штатнинг турли жойларида, айниқса марказда ва ғарбда латифундиячиларнинг ёлланган кишилари деҳқонларнинг қишлоқларига бостириб кириб, уй-жойларни яксон қилмоқдалар. Деҳқон оилалари бошпанасиз ва озиқ-овқатсиз қолмоқда.

Деҳқонларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ ишлатилди

ПАРИЖ, 21 июнь. (ТАСС). Сэн-Поль-де-Лион деган кичик бретон шаҳрининг (Финистер департаменти) атрофида жойлашган бир қанча районларнинг деҳқонлари ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деҳқонларни талаётган воситачиларсиз сотиш имкониятини таъминлашни талаб қилиб, яна намойиш ўтказдилар. Полиция билан тўқнашув рўй берди. Тўқнашув вақтида деҳқонларга қарши парчаланадиган граната, шунингдек кўздан ёш оқизувчи газ тўлдирилган бир неча граната ташланди.

Туркия деҳқонлари ҳали ҳам оддий усулда — омоч билан ер ҳайдайдилар.
И. Угольков фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Студентлар ижоди

Узбекистон рассомлар Союзида Тошкент театр-рассомчилик институти студентлари яратган асарларнинг иккинчи виставкаси очилди. Ёркин бўёқли этюд, зарисовка ва эскизлар институтнинг турли курсларида таълим олаётган студентларнинг ижодий маҳоратидан далолат беради. Виставкада 30 студентнинг ижодий маҳсулоти намойиш қилинмоқда.

МАЛАҚА ОШИРИШ КУРСЛАРИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик кенгаши корхоналарда ишлаб чиқаришни янада яхшилаш мақсадида мутахассислар малакасини ошириш курслари ташкил қилаётир. Шундай курслардан бири яқинда Тошкент тўқимачилик институти ҳузурида очилди. Бир ойлик курсда республикамиз областлари, шу жумладан Тошкент области пахта заводларининг инженер-техник ходимларидан 40 киши ўқимоқда. Уларга институтнинг юқори малакали ўқитувчилари пахтачилик саноатидаги ҳозирги замон янги техникаси тўғрисида лекциялар ўқимоқдалар.

Шу институт ҳузурида очилган тикувчилик бўйича бир йиллик курсда пойтахт ва Тошкент областидаги тикувчилик корхоналарининг цех бошлиқлари ва мастерлари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, малака ошираётирлар. 30 дан ортиқ мутахассис ўқиётган бу курсда ҳам дарсларни институтнинг тажрибали ўқитувчилари олиб бораётирлар.

Республика Халқ хўжалик кенгаши ҳузурида эса 2 та бир ойлик курс ишлаб турибди. Бу курсларда пахта заводларида ҳосилни қабул қилиб олиш ва тозалаб қуритиш установкаларини текширадиган мастерлар, Тошкентдаги мебель фабрикаларининг мастерлари таълим олаётирлар. Тошкентдаги сут комбинати ҳузурида эса сут ва ёғ заводлари мастерлари малакасини ошириш курси очилди. Бу курсларда ўқиётганлар ўз соҳалари бўйича янги техника билан атрофлича танишиб чиқадилар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

АМЕРИКА ҚУШИНЛАРИНИНГ НАМОЙИШКОРОНА ҲАРАКАТИ

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 20 июнь. (ТАСС). Америка ҳарбий қўмондонлиги навбатдаги ҳарбий намойишни ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Ғарбий Берлин матбуотининг бугунги хабарига қараганда, 8-америка пиёда полкининг 3 минг кишидан иборат дастлабки жанговар группаси яқин кунлар ичида Ғарбий Германиядан бу ерга келади. Бу группа Ғарбий Берлиндаги 47-америка пиёда полкининг иккинчи жанговар группаси ўрнини эгаллайди.

Америка қўшинларини Ғарбий Германиядан Ғарбий Берлинга ва Ғарбий Берлиндан Ғарбий Германияга кўчириш Германия Демократик Республикаси территориясида жойлашган автомагистраллар орқали бир неча эшелон билан ўтказилади.

РУЛДАГИ ТЕКИНХЎРЛАР

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИНИНГ рейд бригадаси

Гўзал Тошкентимизнинг серқатнов кўчаларида ғизиллаб бораётган турли машиналар қаторида енгил таксиларнинг ҳам кети узилмайди. Театр ва Беруний майдонлари, Комсомол ва Калинин майдони, Олой бозори ва Тўқимачилик комбинати олдида ҳамда бошқа кўпгина жойларда пассажир кутиб қатор тизилиб турган шахмат белгили «Москвич», «Победа» ва «Волга»ларни кўрганда қувонасиз. Улар сизни кутишяпти, сизнинг хизматингизда.

Ҳа, таксилар сони кўпликка кўп-у, лекин хизматнинг сифатичи, ҳамма гап ўшанда. Тоза гуруч орасидан битта-иккита тош чиқиб, тишга текканидек такси шоферлари орасида ҳам меъдага тегадиганлари йўқ эмас. Бундай кишилар куппа-кундуз куни кўзингизни бақрайтириб туриб ҳақингизга чанг солади, ҳам давлатни, ҳам сизни алдайди. Буларни яхшилаб таниб қўйинг, фалакнинг гардиши билан машинасига ўтириб қолганда сизни ҳам алдамасин деймизда...

1- автокомбинатга қарашли М—21 маркали ЕЭ 17-57 номерли таксининг шофери Равил Бикулов бўладилар. У кишида инсофдан зиғирча ҳам йўқ. Вокзалдан Охунбобоев майдонигача ўтирган 3 пассажирнинг биридан 80 тийин, яна биридан эса 85 тийин олди. Агар таксометрнинг тили бўлганда: «Ахир 83 тийин кўрсатдим холос-ку» дерди.

Шу автокомбинатга қарашли ЕЭ 17-59 номерли таксининг шофери Қўчқор Юсупов беш эмас, ўн панжасини оғзига тиқади. Шилишга келганда устаси паранг.

У «Тошкент» меҳмонхонаси олдидан пассажирларни зўр тавозе билан машинасига ўтқазиб Чорсуга йўл олди. Бу ерга келгунча йўлда тушиб қолган икки кишининг биридан 30 тийин, яна биридан эса 54 тийин олди. Сўнгги пассажирдан эса 46 тийин олиб:

— Хуш кўрдик, — деб илжайиб қолди. Бир зумда 84 тийинни чап чўнтакка урди.

Яна шу автокомбинатга қарашли ЕЭ 38-15 номерли таксининг шофери Ф. Юнусов текин пул ташласангиз кипригі билан қимчиб оладиган хилидан экан. Шунинг учун ҳам рулга ўтирдими, ишни иҳонатдан бошлайди. Ҳа бировнинг ҳақидан ҳазар қилади, ҳа уялади. 13 июнь куни Калинин майдонидан Олой бозорига келган 3 пассажирдан 1 сўм-у 02 тийин ортиқча олди.

— Ахир таксометр ҳаммаси бўлиб 62 тийинга ишладику? — сўради пассажир.

— Энди ўзингиздан ўтар гап йўқ, таксометрга қарасам иш битмайди-да, — жавоб берди у сурбетлик билан.

Бу тонфадаги шоферлар учун умумий бўлган бир антиқа «қоида» бор. Айтайлик, 4 киши таксига ўтирди. 3 киши турли жойларда якка-якка ҳолда пул тўлаб тушиб кетишади. Сўнгги манзилга борган пассажирдан ҳам такси қимирлаган ердан то шу тўхтаган жойгача босилган масофа учун тўла ҳақ олинади. Энди ҳисоблаб чиқинг: тўланган кира ҳақи таксометр кўрсаткичидан икки баравардан ҳам ошиб кетади. Инсофни тормоз остида босиб туриб ортиқча шилинган ана шу пуллар кимнинг чўнтагига тушишини айтишга ҳожат бўлмаса керак.

Енгил автомобиллар 2- автобазасига қарашли ТНА 32-34 номерли машина шофери И. Ф. Ракшин ҳам ана шу «қоида»га қатъий амал қиларди-ю, бу сафар сал лапашанглик қилиб Чорсудан «Тошкент» меҳмонхонасигача ўтирган 3 пассажирдан атиги 22 тийингина шилиб қолганидан ўзининг ҳам кўнгли тўлмади.

Ўша куни 1- автокомбинат шофери Ҳ. Ҳамидуллаевнинг ҳам иши ўнгидан келмади деса бўлади. У минган ЕХ 62-32 номерли таксига Калинин майдонидан ўтирган 4 пассажир Олой бозорига келишди. Ҳикмат улардан 50 тийинни бир амаллаб ўмарган эди, сир фош бўлди. Таксометрда кўрсатилган 60 тийинни олиб, жуфтакни рростлаб қолмаганига ўзи ҳам роса пушаймон бўлгандир.

2- автокомбинат шофери С. Степанов ҳайдайдиган ЕХ 59-10 номерли таксига ҳаргиз ўтирманг. Чунки у қипқизил мутаҳам, агар 2 баравар ҳақ олмаса кечаси ухлайолмайди. Яқинда у аэропорт-дан Калинин майдонигача олиб келган 4 пассажирдан таксометрда кўрсатилган 92 тийин ўрнига данғал 2 сўм 08 тийин олди. Бир рейснинг ўзида 1 сўм 16 тийин текин фойда!..

Мўмай даромад ниятиёқи баъзи шаферларни ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормайдиган қилиб қўйган. Пулга тузоқ қўйишда баъзи ташкилот машиналарининг ҳайдовчилари ҳам юқоридаги такси шоферларидан қолишмайди. Бундай шахслар давлат машиналаридан ўз шахсий манфаатлари йўлида, чўнтакни тўлдириш мақсадида фойдаланадилар. Енгил автомобиллар, 2-автобазасининг шофери В. Коновалов ТНА 46—65 номерли «Москвич»да «ов»га чиқди. 4 чақиримча келадиган масофага икки кишини олиб бориб қўйиб 1 сўм олди. Қўлида эса 357917 рақамли командировка гувоҳномаси. Маршрут Тошкент—Самарқанд, муддати 10 кун.

— Қаерга борясиз?

— Янгийўлга.

— Бўлмаса Калинин майдонида нима қиласиз?

— Очиғини айтганда бироз чой-чақа керак эди...

Ёки 2-автокомбинат шофери Я. Қаландаровни олиб кўрайлик. У ТНА 05—58 номерли «Москвич»да 13 июнь куни «левий» қилиб юрганда қўлга тушди. Путёвкада кўрсатилган машрут қаёқда-ю, Эски-Жува қаёқда. Мақсад — пича чой-чақа ишлаб олиш. Кира ҳақи эса икки баравар олинади.

Чуқурсой бозорига бориш учун кўп кишилар Калинин майдонида машина кутишади. Айниқса дам олиш кунлари бу ерда машинага ўтирувчилар кўп бўлади. Ана шундан фойдаланган айрим нюсоф шоферларнинг бозори қизийди. Булар орасида шахсий машиналарни ҳам учратасиз. Д. Тўрабоевнинг ЕЭ 45—21 номерли шахсий «Москвич»и бор. Лекин ўзи кира қилишга уялади. Қилмай деса, пулнинг ишқи қўймайди. Шунинг учун Н. Турсуновни ишга солиб қўяди. Нигмат эса Чуқурсой бозорига 3 одамни олиб бораси да қанттак қилиб 2 сўмни шилиб олади. Қайтишда яна шу аҳвол.

Ҳабибулла Исҳоковнинг ҳам ТНБ 19-88 номерли шахсий «Москвич»и бор. Чуқурсой билан Калинин майдони ўртасида бўзчининг мокисидек қатнагани-қатнаган. Жуда инсоф қилса бир сўм олади. Унга нега бундай қиласан деб кўрингчи: «ўз машинам, нима қилсам ихтиёрим» деб нақд ёқа ушлаб олади.

Тунов куни ЕУ 94-47 номерли шахсий «Волга» Олой бозоридан икки пассажирни ўтқазиб «Тошкент» меҳмонхонасига олиб келди. Бу икки чақирим масофага бир сўм олди.

Шуни ҳам айтиш керакки, такси тўхташ жойларида тартибни назорат қиладиган контролёр-диспетчерларнинг номи бор, холос. Айримлари эса очиқдан-очиқ юлғич шоферларни астойдил ҳимоя қилишади. Олой бозори ёнидаги автотакси турадиган жойнинг контролёр-диспетчери Г. Мамочка 13 июнь куни пассажир ҳақига хиёнат қилган шофер устидан протокол ёзилаётганда қўйдаланг бўлиб турибди олди. Охири бўлмагач шаллақилик қила бошлади, ҳатто инспекторларни тортишгача бориб етди. Тартиб сақлаш ўрнига хизмат бурчини ўтаётган милиция вакилларини ҳақорат қиладиган бундай контролёрнинг боридан-йўғи!

Шаҳардаги автотранспорт, жумладан енгил таксилар хизмати билан яқиндан танишган киши бу соҳадаги тартибсизликлар ҳали ҳам авжига чиқаётганига қаноат ҳосил қилади. Кўпгина таксилар пассажир хоҳлаган томонга боришни рад қилиши ҳеч кимга сир эмас. Айниқса Калинин майдонида дам олиш кунлари турадиган таксилар кўпроқ пул ишлаш мақсадида Чуқурсой бозорига қатнашади. Бошқа ерга десангиз юзингизга «бормайман» деб шартта айтишади. Жуда бўлмаганда бирорта баҳонани кўндаланг қилишади.

Автотранспорт хизматидаги ўзбошимчаликлар, тартибсизликлар ва меҳнаткашларнинг жиддий эътирозлари ҳақида илгаримлари ҳам матбуот саҳифаларида ёзилган эди. Лекин бу ўринли сигналлар шаҳар пассажирлар ташиш автомобиль трести раҳбарларининг бу қулоғидан кириб иккинчисидан чиқиб кетаберади. Улар билиб билмасликка, кўриб-кўрмасликка олишади. Трест бошлиғи ўрток Здрайковская эса раҳбарликни шу қадар «дўндираяпти»ки, пассажирлар ҳақига хиёнат қилиш ҳисобига яшаётган кўпгина енгил такси шоферлари бемалол ялло қилиб юришипти. Рулдаги текинхўрларнинг мушугини биров «пишт» демайди.

Ўртоқ Здрайковская! Кўпчиликни қизиқтирадиган бу масала билан қачон жиддийроқ шуғулланасиз? Пассажирларга хизмат қилишдаги бу каби тартибсизликлар қачонгача давом этади?

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси, шаҳар ишчи мухбирлар университети тингловчилари ва шаҳар давлат автоинспекциясининг коллектив рейди. Рейдда 30 киши қатнашди.



Пассажир: — ахир таксометр 50 тийин кўрсатдику!
Шофер: — таксометр билан ишингиз бўлмасин, 1 сўм тўлаберинг.
Ш. Абдуллаев чизган расм.

ТЕЛЕВИЗОР

23 ИЮНДА

17,00 — «Қандай қилиб Ферда жаҳон бўйлаб саёҳатга чиқди», «Қандай қилиб Ферда уй қурди» (биринчи ва иккинчи эшиттириш). 18,00. Дўстларимиз эстрадаси. 18,30. — Спорт эшиттириши ва Телевизон янгиликлар. 20,15—Қизлар номли кинокомедия.

Ўзбек тилида: 21,45 — Телевизион янгиликлар. 21,55 —Комедия кечаси.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/VI да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Зумрад — «ВАТАН», «МИР», (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз 3-20 ва кеч 6-50 минутда).

Туғилган кунингиз билан — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 ва кеч 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ўн иккинчи тун — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Номаълум излар — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 10 да).

Рокко ва унинг биродарлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 яримгача).

Тоғдаги тревога —«ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Сеанслар кеч соат 9 ва 10 яримда)

У ватанни ҳимоя қилади — «ОКТЯБРЬ».

Туғилган кунингиз билан — «ВАТАН» (кеч соат 9-15 минутда), НАВОИЙ номли (кеч соат 9-15 минутда), «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли, ТЕЛЬМАН номли.

Зумрад — «ВАТАН» (кеч соат 10 яримда).

Крош саргузаштлари — «ШАРҚ».

Турли тақдир — НАВОИЙ номли (кеч соат 10 яримда).

Номаълум излар — ПУШКИН номли, «УДАРНИК».

30 йил тўлган кунда — «ПОБЕДА».

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

(ёзги бино)

23, 25 июнда

катта концертлар

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фароғат Раҳматова**, солистлардан **Суръат Пўлатов, Тожибой Мелиев, Адиба Мирзаева, Умаржон Атоев, Гулсара Ёқубова, Йўлдош Муллабоев, Райҳон Тўраева, Онора Исмоилова, Мукаррама Ҳамроева, Назир Турсунов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

„Узсантехгазмонтаж“ трестига

Тошкент, Нукус, Самарқанд шаҳарларида бош инженерлар ва участка бошлиқлари вазифасида ишлаш учун сантехника инженерлари, тепло-газ таъминоти ва вентиляция инженерлари, Тошкентда ишлаш учун лойиҳа тузувчи инженерлар ва бухгалтер-ревизор

керак

Тошкент шаҳри, Апанасенко кўчаси, 35-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

159-қурилиш трестига

прораблар, старший прораблар, қурилиш мастерлари, нормаловчилар, полигон бошлиғи, инженерлар, энергетик, механик, ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, бўёқчилар, бетончилар, арматурачилар

керак

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«УЗГОСПРОЕКТ»га

Тошкентда ва жойларда ишлаш учун:
электрик инженерлар, водопровод ва канализация инженерлари

КЕРАК

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885 Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 02185 Нашр. Г. 1619.